



# ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ТАБИАТ ВА ИНСОН, ПОКЛИК ВА САЛОМАТЛИК МАСАЛАЛАРИ

*Атроф-муҳит, сув ва ҳавонинг ифлосланиши ўтган асрнинг охирги чорагидаёқ дунёда ҳам, мамлакатимизда ҳам энг долзарб муаммога айланиб улгургани ҳеч кимга сир эмас. Пахта якка ҳокимлиги, Орол денгизининг қурий бошлаши каби улкан фожиялар инсон саломатлигига таъсирини ўтказмай қолмади. Ҳозирги кунда ҳам иқлим ўзгаришлари, чиқиндиларнинг кўпайиб бориши, тупроқнинг шўрланиши ва бошқа турли сабаблар туфайли атроф-муҳит ҳамон таҳдид остидадир. Энг ачинарли томони аксар экологиявий муаммолар инсонларнинг бефарқ-лоқайдлиги, билимсизлиги, нафс-ҳаво истакларига зўр бериши оқибатида юзага келяпти.*

*Октябрнинг 16-куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси мажлислар залида “Ислоҳ маданиятида табиат ва инсон, поклик ва саломатлик масалалари” мавзуида ўтган халқаро илмий-амалий анжуман шу масалага бағишланди. Мазкур анжуман “Экосан” халқаро ташкилоти, Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Тошкент Ислоҳ университети ҳамкорлигида ўтказилди. Анжуманда масъул ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатлар элчихоналари ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари, пойтахтимиз масжидлари имом-хатиблари иштирок этишди, сўзга чиқишди.*

*Куйида анжуман қатнашчиларидан айримларининг фикр-мулоҳазаларини мухтасар ҳолда эътиборингизга ҳавола этиялмиз.*

**Юсуфжон ШОДИМЕТОВ**, “Экосан” халқаро ташкилоти раиси, профессор:

— Ҳозир она сайёрамизда тупроқларнинг етмиш фоизида шўрланиш (деградация) жараёни кечмоқда. Унумдор майдонларнинг

тўқсон беш фоизи чўл-саҳрога айланиш хавфи остида. Ер юзиде 1,1 миллиард аҳоли тоза ичимлик сувига муҳтож. Бу ҳолга зид улуроқ, умумий сув захираларининг қирқ-қирқ беш фоизи беҳуда сарфланади, яъни, исроф қилинади. Бир йилда киши

бошига ўртача сув ишлатиш меъёри уч юз литр бўлгани ҳолда, ҳозир бу кўрсаткич бир минг икки юз литрдан ҳам ортиб кетмоқда.

**Усмонхон АЛИМОВ**, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий:

— Экология, атроф-муҳит муҳофазаси умуминсоний муаммо. Кучларни бирлашти-

риб курашилсагина, уни ҳал этиш мумкин. Динимиз инсонни яшаш жойини ҳам, танасини ҳам, қалбини ҳам пок тутишга амр этади. Бизга берилган

чексиз неъматлардан қандай фойдаланганимиз ҳақида албатта сўраламиз. Аъроф сураси 31-оят мазмуни бундай: **“Енглар, ичинглар, исроф қилманглар”**. Бу ояти кариманинг маъноси жуда кенг ва чуқур бўлиб, бугун биз баҳс этаётган мавзуларнинг барчасини қамраб олади. Ҳазрати Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Поклик имоннинг ярмини ташкил қилади”**, дея бежиз марҳамат қилмаганлар.



(Давоми 14-бетда)

# КАМОЛОТ АСОСИ

Шамс сурасининг 7—10-оятлари мазмуни бундай: «**Нафса, уни яратган, сўнг унга яхши ва ёмонни билдирган Зотга қасам! Ким нафсини солиҳ амаллар билан пок этса, албатта нажот топади. Ва ким нафсининг солиҳ амалларга истейдодини йўқотса, албатта ҳалокатга йўлиқади.**»

Инсоннинг ҳаёт тарзи ва ахлоқи икки асосий омилга: ихтиёрига ва лаёқатига (қурбига) кўра шаклланади. Ихтиёр бир-бирига зид — яхши ва ёмон — ишлардан бирини қилишга инсоннинг қарори, қасди ва хоҳишидир.

Инсоннинг ихтиёри тўғри бўлиши, бир-бирига зид ишлардан яхшисини ва тўғриси-ни танлашда адашмаслиги унинг яхшини ёмондан, тўғрини хатодан, ростни ёлғондан ажрата билишига, маърифатига боғлиқ. Инсон ихтиёрини тўғри йўлга йўлловчи маърифат унинг фитратида бор. Камолотини истаган инсон уни асрайди ва тиклайди. Бу инсон камолотининг асосидир.

Инсон лаёқатига кўра натижаларга эришади. Лаёқат натижага олиб боровчи сабабларга эгаликдир. Исталган натижаларга эришиш учун муносиб сабабларни ахтариш, билиши лозим. Бунинг учун тажриба, тажрибага асосланган илм зарур. Инсонда бу илм кўпайгани сари лаёқати ортиб боради. Лекин бу илм унинг яхши ва ёмонни ажратиш олишида ёрдам бермайди. Бошқача айтганда, фақат тажриба билан инсон ихтиёрини тўғри йўлга солломайди.

Маънан етук ва комил, жисмоний ва иқтисодий кучли ва мустаҳкам бўлишни истаган ҳар бир киши ва ҳар қандай жамият бу икки илм — маърифатни ва тажрибага асосланган илмни пухта эгаллаши зарур.

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Нуриддин ҲОШИМОВ  
Анвар ТУРСУН  
Неъматилла ИБРОҲИМОВ  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Зоҳидилло МУНАВВАРОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Эркин МАЛИК  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ  
Абдул Жалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН  
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Мукова

«Voris Design» маркази билан  
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матнни

Райҳона ХОЛБЕК қизи,  
Зебунисо ҲУСАЙН қизи  
терди

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.374. 224-34-04  
Раҳбари Ўктам ҳожи Умрзоқ  
Фарғона вилояти — 8.373.222-12-38  
Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин  
Сурхондарё вилояти — 8.376. 226-05-08  
Раҳбари Низомиддин Чори

Манзилимиз:

700069 Тошкент шаҳри  
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;  
Тел: 160-45-62, тел.факс: 144-36-53.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтаимиз: [hidoyat\\_jurnali@mail.uz](mailto:hidoyat_jurnali@mail.uz)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2007 йил 29 октябрда рухсат берилди.  
Босмаҳонага 2007 йил 30 октябрда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Адади 20000 нусха. 182-сон буюртма. «KOH NUR» МЧЖда босилди.

Кўлэмалар қайтарилмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.  
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,  
«Хидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Бугуннинг гапи</b>	
Ислом маданиятида табиат ва инсон, поклик ва саломатлик масалалари .....	1
<b>Таянч нуқта</b>	
Камолот асоси .....	2
<b>Фикҳ</b>	
Муҳаммад Шариф ЖУМАН	
Савдо. Тавлия ва муробаҳа .....	6
<b>ЎМИ ҳаёти</b>	
Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ	
Америкалик ўзбеклар ҳузурида .....	7
Саидбахром ФУЛОМОВ	
Умра яқунлари .....	7
<b>Хабарлар</b>	
Кубада илк масжид қурилади .....	10
<b>Мактубларда манзаралар</b>	
Бировники бировга юқмас .....	11
<b>Рамазон ибратлари</b>	
САБОҲАТ	
Яхши одамлар бор .....	12
<b>Мактубларда манзаралар</b>	
НЕЪМАТУЛЛОҲ	
Уста ҳақи .....	13
Собир ХАЛИЛОВ	
Дўст бурчи.....	13
<b>Бугуннинг гапи</b>	
Ислом маданиятида табиат ва инсон, поклик ва саломатлик масалалари .....	14
<b>Олисларга саёҳат</b>	
Аҳмад ТУРСУН	
Албания Демократик Республикаси.....	16
<b>Аёллар саҳифаси</b>	
Нозима АЗЛАРОВА	
Бегойимларга айтар сўзларим .....	22
Мукаррам ФОЗИЛОВА	
Тарбияли хотин гўзалдир .....	22
Мукаррам МАЪРУФЖОН қизи	
Ҳаёт мактаби .....	23
<b>Шеърят</b>	
Қурбон ТҶУРА	
Ватан тупроғи .....	24
Абдуғани СУЛАЙМОН	
Ҳаёт ҳикматлари .....	24
Бобониёз ҚУРБОН	
“Кўнгил водийида...” .....	25
<b>Мовароуннаҳр уламолари</b>	
Аҳмад УБАЙДУЛЛОҲ	
Шайх Ҳомидмирзо Намангоний .....	26
<b>Адабиёт</b>	
Эркин МАЛИК	
Гул ишқибози .....	28
<b>Бағрикенглик</b>	
Илдизи бир дарахтлар .....	30
<b>Болалар саҳифаси</b>	
Ҳорун ЯҲЁ	
Халтачали ҳайвонлар .....	31
Буғу ва унинг шохлари .....	32

## Тафсир

## НАБА СУРАСИ

4



Уйқунгизни баданингиз учун роҳат, танаффус қилдик. Уйқу билан куч янгиланади, ақл ва жисм фаоллашади. Биз кечани худди либос баданни тўсиб, уни иссиқ ва соvuқдан сақлаб, авратни беркитгани каби нарсалар ва жисмларни беркитадиган қилиб қўйдик.

## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

## Масжидун Набавий туну кун очик

Саудия Арабистони қироли Абдуллоҳ ибн Абдул Азиз Мадина шаҳридаги Пайгамбаримизнинг (алайҳиссалом) масжидлари (Масжидун Набавий) намозхонлар учун кечаю кундуз очик бўлиши ҳақида фармон чиқарди.

10

## Ҳадис шарҳи

## Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН



13

## ЁМОН ТУШ

Тушларга ортиқча аҳамият бермаслик, уларни сўзлаб вақтни беҳуда ўтказмаслик керак. Шунга риоя қилган одам, иншааллоҳ, хотиржам, роҳат-фароғатда яшайди.

## Саҳобалар ҳаёти

## Холид Муҳаммад ХОЛИД

## ТУФАЙЛ ИБН АМР

Туфайл жамоаси билан Макка фатҳ этилган кун зафарга етказгани учун Аллоҳга шукрлар айтди. У Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Каъбадаги бутларни синдириб, узоқ ҳукм сурган заллатдан тозалаётганларини кўрди.

18

## Масала

## БИР САВОЛ СЎРАСАМ...

21

Ҳажи бадал қилувчининг йўл ва озуқа харажатлари буюрувчининг молидан бўлиши лозим. Ҳажи бадал учун хизмат ҳақи тўланмайди, олинмайди.





## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

عَمَّ يَتَسَاءَلُونَ ﴿١﴾ عَنِ النَّبِئِ الْعَظِيمِ ﴿٢﴾ الَّذِي هُمْ فِيهِ مَخْتَلِفُونَ ﴿٣﴾ كَلَّا سَيَعْمُونَ ﴿٤﴾ ثُمَّ كَلَّا سَيَعْمُونَ ﴿٥﴾ أَلَمْ نَجْعَلِ الْأَرْضَ مِهْدًا ﴿٦﴾ وَالْجِبَالَ أَوْتَادًا ﴿٧﴾ وَخَلَقْنَاهُ أَزْوَاجًا ﴿٨﴾ وَجَعَلْنَا نَوْمَكُمْ سُبَاتًا ﴿٩﴾ وَجَعَلْنَا اللَّيْلَ لِبَاسًا ﴿١٠﴾ وَجَعَلْنَا النَّهَارَ مَعَاشًا ﴿١١﴾ وَبَنَيْنَا فَوْقَكُمْ سَبْعًا شِدَادًا ﴿١٢﴾ وَجَعَلْنَا سِرَاجًا وَهَاجًا ﴿١٣﴾ وَأَنْزَلْنَا مِنَ الْمُعْصِرَاتِ مَاءً ثَجَّاجًا ﴿١٤﴾ لِنُخْرِجَ بِهِ حَبًّا وَنَبَاتًا ﴿١٥﴾ وَجَنَّاتٍ أَلْفَافًا ﴿١٦﴾

## НАБА СУРАСИ

Сура «Амма ятаса алун, ъанин набаил ъазим» ояти билан бошлангани учун «Амма» ёки «Наба» деб номланган. Наба «хабар» маъносидадир. Бу сурада Қиёмат ва қайта тирилиш ҳақида хабар берилган. Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ваҳий келиши бошланганида одамлар бир-бирларидан Қиёмат ва қайта тирилиш ҳақида сўраб эди. Уларнинг саволларига жавобан бу оятлар нозил бўлган.

## Тафсири ва баёни

Мушриклар Қиёмат кунини ёлғонга чиқариб, бир-бирларига у ҳақда савол бераверар эди. Аллоҳ таоло уларнинг бу ишларини қоралаб, дейди:

«(Мушриклар) бир-бирларидан нима ҳақида сўрашмоқда?! Улар ўзлари ихтилоф қилгувчи бўлган улуғ хабар ҳақида (яъни, қайта тирилиш тўғрисида) савол-жавоб қилмоқдалар!» (1-3)

У шундай муҳим ва даҳшатли улуғ хабарки, уларнинг баъзилари уни рост деса, баъзилари ёлғон дейди. Баъзилари унга ишонса, баъзилари ишонмайди, баъзилари бўлади деса, баъзилари бўлмайди дейди. Ўша улуғ хабар ўлгандан кейин тирилиш хабаридир.

Савол-жавоб услуби тушунтиришга қулай ва сўровчилар қалбида жавобнинг ўрнашини осон қилади. Бу услуб Қуръони каримда кўп ўринларда келган (Ғофир, 16).

Аллоҳ таоло мушрикларга таҳдид солиб, уларнинг Қиёматни инкор қилишига жавобан дейди:

«Йўқ (уларнинг гумонлари беҳудадир)! Улар яқинда (бу хабарнинг ҳақ эканини) билиб олажақлар. Яна бир бор йўқ! Улар яқинда билиб олажақлар!» (4-5)

Яъни, улар қайта тирилиш хусусида турлича фикрга бормасинлар. Қайта тирилиш ҳақдир. Уни инкор қилувчилар тез кунда ишонмаслик оқибати нима бўлишини билади.

Бу қаттиқ таҳдид ва ваъийддир.

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло диққатни тортувчи нарсаларни яратганидаги буюк қудратининг қисман кўринишларини баён қиладики, бу ҳол Унинг қайта тирилтиришига, қодирлигига далилдир. У оятларда мушриклар инкор этаётган қайта тирилиш ҳақиқатда содир бўлишига, Аллоҳ таоло барча нарсага қодирлигига ва ҳамма нарсани билишига далолат қилувчи тўққиз нарсани ёд этади:

1-2. «Биз ерни (барча жонзотлар маскан тутиб яшашлари учун) бир тўшак, тоғларни эса (ўша ерни тутиб тургувчи) қозиклар қилиб қўймадикми?!» (6-7)

Қандай қилиб қайта тирилишни инкор этасизлар, ахир сизлар Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига далолат қилувчи нарсаларга шохидсиз. У ерни халойиққа бўйинсинувчи, ётиқ, худди гўдак тўшаги каби ёйиқ, тоғларни Ер ҳаракатланиб, изтиробга тушмаслиги, тинч туриши учун қозик қилиб қўйган-ку?!

3. «Биз сизларни жуфт-жуфт қилиб яратдик» (8).

«Унинг оятларидан (яна бири) У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Рум, 21).

4-5. «Уйқуларингизни (баданларингиз ва асабларингиз учун) ором қилдик. Кечани (ўз қоронғуси билан барча нарсани яшириб турадиган) либос қилдик» (9-10).

Яъни, уйқунгизни баданингиз учун роҳат, кундузги қийин ишларингиз ва ҳаракатларингизга танаффус қилдик. Уйқу билан куч янгиланади, ақл ва жисм фаоллашади. Биз кечани худди либос баданни тўсиб, уни иссиқ ва совуқдан сақлаб, авратни беркитгани каби нарсалар ва жисмларни беркитадиган қилиб қўйдик.

6. «Кундузни эса тирикчилик (учун белгиланган вақт) қилдик» (11).

Яъни кундузини одамлар тирикчилик, касб, тижорат, зироат, саноат ва бошқа ризқ манбалари билан шуғулланиш вақти қилдик.

7-8. «Устларингизда етти (қават) пишиқ-мустаҳкам (осмонни) бино қилдик. Ва доимо чарақлаб тургувчи чироқни (яъни қуёшни пайдо) қилдик» (12-13).

Яъни, биноси мустаҳкам, ўта аниқ ясалган еттита осмонни устингизга барпо қилдик. У осмонни тушиб кетмайдиган ва юрвчи юлдузлар билан зийнатладик. Қуёшни бутун оламни ёритувчи чироқ қилдик. Ундан жами тирик коинот наф олади.

9. «Яна Биз ўзидан ёмғирни сиқиб чиқаргувчи (булут)лардан ўша (ёмғир) ёрдамида дон ва набототни ҳамда (қалинлигидан дарахтлари) бир-бирига чирмашиб кетган боғларни ундириб чиқариш учун мўлкўл сув – ёмғир ёғдирдик» (14-16).

Яъни, жонзотлар озикланадиган бугдой, арпа, жўхори ва шоли каби турли донлар ҳамда ўт-ўлан ва бошқа наботот, шохлари бир-бирига чирмашиб кетган, бир жойда бўлишига қарамасдан мевалари турли ранг, таъм ва ҳидли бўлган кўрмак боғлар ундиришимиз учун серёмғир булутлардан сув туширдик.

«Бу ерда бир-бирига қўшни бўлган бўлак-бўлак (яъни бири унумдор бўлса, бири шўр) ерлар, узумзор боғлар, экинзорлар ва шохлаб кетган-шохламаган хурмолар бўлиб, (уларнинг ҳаммаси ҳам) бир сув билан суғорилур. (Лекин) Биз уларнинг айримларидан айримларини таъмлироқ – ейишлироқ қилиб қўюрмиз. Албатта, бунда ҳам ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Раъд, 4).

Бу тўққиз нарсани яратиш, уларга қодирлик ва у нарсаларни мукамал ва мустаҳкам яратилгани Яратувчининг чексиз илми ва ҳикматига далолат ва унинг қайта тирилтиришга шубҳасиз қодирлигига бурҳондир.

«Тафсири ибн Касир», «Тафсири ал-Қуртубий»,  
«Тафсири Фатхул Қодир», «Асбабун нузул ли  
Найсобурий», «Ғароибул Қуръон» китоблари асосида  
**Анвар АҲМАД**  
тайёрлади



# САВДО

## Тавлия ва муробаҳа

(«Ҳидоя», «Мухтасарул виқоя», «Қозихон», «Раддул мухтор» ва «Дуррул мухтор» китоблари асосида)\*

Молга қўйиладиган ва белгиланадиган нархга кўра, савдо тўрт турга — мусовама, вазиъа, муробаҳа ва тавлияга бўлинади.

Молни сотувчи билан савдолашиб сотиб олиш “мусовама” дейилади. Бу савдо одамлар ўртасида одат бўлган савдодир.

Сотувчи молни нархидан кам нархда сотса, бу савдо “вазиъа” дейилади. Киши молни истаган нархда, нархидан кам нархда ҳам сотиши мумкин.

Молни устига фойда қўймай, сотувчига тушган нархида сотиш “тавлия” дейилади.

Молни сотувчига тушган нархи устига маълум фойда қўйиб сотиш “муробаҳа” дейилади.

Тавлия ва муробаҳа савдоларида икки томонга — олувчига ҳам, сотувчига ҳам фойда бор: сотувчи молни тезроқ сотганидан хурсанд бўлади, олувчи молни алданмай олганидан кўнгли тасалли топади. Зеро, тавлия ва

муробаҳа савдолари тўғрисидаликка ва ишончга асосланган савдодир. Шунинг учун тавлия ва муробаҳа савдоси билан сотилаётган молни сотувчи уни аввало ўхшаши бор нарса эвазига (масалан: сўм, арпа, буғдой кабилар эвазига) олган бўлиши керак. Агар унинг эвазига тўлаган нарсанинг ўхшаши бўлмаса (масалан, қўй бериб олган бўлса) уни тавлия ё муробаҳа савдоси билан сотиб бўлмайди. Чунки бу ҳолда мол олинган нарх аниқ бўлмайди. Зеро, у қўйни ҳар ким ҳар хил баҳолаши мумкин.

Муробаҳа ва тавлия савдоси билан сотилаётган молнинг олинган нархи устига одатда савдогарлар мол устига ётқизадиган барча харажатларни қўшиш мумкин. Бу ўринда молнинг олинган нархи деганда сотувчининг уни сотиб олишда тўлаган пул тури (масалан, сўм, танга) эмас, балки савдо қилишда келишган пул тури ҳисоб қилинади. Яъни, юз минг сўмга савдо қилиб, унинг ўрнига бир юз йигирма минг танга берган бўлса, молнинг олинган нархи юз минг сўм бўлади.

Бу ҳолда тавлия савдосида: “Мол менга шунчага тушди”, деб; муробаҳа савдосида эса: “Мол менга шунчага тушган, устига шунча фойда қўйдим”, деб сотиш лозим.

Муробаҳа ва тавлия савдоси тўғрисидаликка ва ишончга асосланган савдо бўлганидан сотувчи насияга олинган молнинг насияга олинганини; мол сотувчининг ё бошқанинг бирон хатти-ҳаракати билан айбли бўлган бўлса, айбини; агар молдан бир қисмини олиб қолган бўлса, олиб қолган миқдорини; молни сотиб олган пул (эваз) турини айтмай яширса, хиёнат ҳисобланади.

\*Давоми. Бошланиши ўтган сонларда



Молни муробаҳа савдоси билан сотиб олган киши сотувчининг хиёнат қилганини билиб қолса, хоҳласа, у молни қайтариб, тўлаган пулини олади ё молни у хоин сотувчи айтган нархида олиб қолади.

Аммо молни ишлатиб қўйганидан сўнг ё мол нобуд бўлганидан ёки айбли бўлиб қолганидан кейин сотувчининг хиёнат қилганини билса, савдони бекор қилолмайди.

Тавлия савдосида сотувчи молни насиёга олиб сотганини ёки мол унинг ё бошқанинг хатти-ҳаракати билан айбли бўлганини яшириб сотса, сотиб олган киши ихтиёрлидир: истаса, молни қайтариб беради, истаса, молни нархида олиб қолади. Аммо мол унинг қўлида айбли ё ҳалок бўлса ёки уни ишлатиб қўйса, савдони бекор қилолмайди. Сотувчи тавлия савдосида мол нархини ошириб сотганида эса, уни сотиб олган ошиқча қўйган нархини чегириб, сотувчига тушган нархида олади.

Мол сотувчига қанчага тушганини ва устига қанча фойда қўйилганини олувчи савдо жойида билмаса, муробаҳа ва тавлия савдоси фосид бўлади.

**Муҳаммад Шариф  
ЖУМАН**

*Шу йил 23 сентябр – 21 октябр кунлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси масжидлар бўлими мудири Ҳомиджон Ишматбеков “Туркистон – Америка уюшмаси” жамияти таклифига биноан АҚШда хизмат сафарига бўлди. Сафардан мақсад рамазон ойи ибодатлари, хусусан, таровеҳ намозларида Қуръон хатмини ўтказиш ва ҳайит намозини адо этишда миллатдошларимизга кўмаклашиш эди.*

## АМЕРИКАЛИК ЎЗБЕКЛАР ҲУЗУРИДА

Рамазон арафасида Нью Жерси штатидаги Морристон шаҳри Довер маҳалласидан жамият учун бино сотиб олинган экан. Шу бинонинг учинчи қаватидаги ётоқхонага жойлашдик.

24 сентябрдан 8 октябрга қадар ўн беш кун давомида таровеҳ намозида Қуръони каримни тўлиқ ўқиб бердим. Хатми бошлаш олдидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг АҚШдаги ўзбек ватандошларимизга йўллаган Рамазон табригини ўқиб эшиттирдик.

Бундан ташқари, ҳар куни қисқа-қисқа маъруза қилиб, Ўзбекистонда мустақилликдан сўнг амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, дин соҳасидаги янгиликлар ҳақида сўзлаб бердик. 2007 йил Тошкент шаҳрига Ислом маданияти пойтахти мақоми

берилгани ҳақидаги хабарни етказиб, шу муносабат билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган Халқаро анжуманга доир наشرлар, хусусан «Ислом нури» газетаси ва «Ҳидоят» журналининг махсус сонларини тақдим этдик.

Қуръон хатми Қадр кечасида яқунланди.

Рамазон ҳайити намозида олти юзга яқин ватандош қатнашди.

13 октябр куни жамият биносида Рамазон ҳайити муносабати билан байрам дастурхони тuzалди. Байрамни хурсандчилик билан ўтказиш мақсадида турли кўнгилочар ўйинлар ташкил этилди.

**Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,**  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
масжидлар бўлими мудири

## УМРА ЯКУНЛАРИ

Бу йил тўрт минг етмиш тўрт нафар юртдошимиз умра ибодатини адо этиб қайтди. Умрачилар учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси 19 август – 3 октябр оралиғида ўн саккизта махсус рейс уюштирди.

Учоқларда Жидда шаҳрига қўнган юртдошларимиз дастлаб икки-уч кун Мадинаи муннавварада бўлишиб, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) равзаларини, масжидларини ва Уҳуд тоғини зиёрат қилишди.

Сўнгра Маккаи мукаррамага келишиб, умра арконларини хотиржам адо этишди. Маккада ҳам Муздалифа, Арафот, Мино ва Нур тоғларига зиёрат уюштирилди.

Умрачиларга Мадинада «Баркат», «Илёс», Маккада эса «Бурж-Автад», «Салоҳ ал-ажйад» меҳмонхоналари ходимлари намунали хизмат кўрсатишди.

**Саидбахром ҒУЛОМОВ,**  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
халқаро бўлими мудири ўринбосари

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Франция президентининг айтганлари



Франция президенти Никола Саркози Париж жомеъ масжидида ўтган тантанада сўзга чиқиб, мусулмонларга: “Мен ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиб, сиз тарафда бўламан, сиз ҳам қонун олдидаги бурчларингизни адо этиш билан менга ёрдам беринг. Нафақат сиз, балки ҳукуматимизнинг баъзи аъзолари ҳам рўзадор экани Ислом дини мамлакат ҳаётига бошдан-оёқ сингиб бораётганини кўрсатади”,

деди. “Франция мусулмонлар учун Оврупадаги энг катта уйдир, ҳозир мамалакатда олти миллионга яқин мусулмон истиқомат қилади”, дея қўшимча қилди у.

Эслатиб ўтамиз, Никола Саркози президент бўлгач, уч нафар мусулмон мутахассисни вазир этиб тайинлади. Бу мамлакат тарихида шу пайтгача мисли кўрилмаган ҳодисадир.

*IslamOnline*

## Қуръон маънолари украин тилида



Украин Миллий университети ижтимоий фанлар факултети талабаси Михаил Якубович Қуръони карим маъноларини украин

тилига таржима қиляпти. Ҳозир у олтинчи пора таржимасини якунлади.

«Главред» агентлиги хабар беришича, Қуръони карим баъзи суралари маъноларининг украин тилига таржимаси яқинда «Киевская Русь» журналида чоп этилди. Таржима журналнинг юздан ортиқ саҳифасини банд этган бўлиб, унга кўплаб изоҳлар, мўтабар манбалардан иқтибослар илова қилинган.

Михаил Якубович Қуръони карим маъноларини украинчага тўла таржима этиш ниятида.

*Islam.ru*

## АҚШ экранларида янги филм

АҚШ кинотеатрларида “Келгинди Раха” номли янги филм тақдимоти бўлди. Филм ижодкорлари 2001 йил



11 сентябр воқеаларидан сўнг Ислом дини ва мусулмонлар ҳақида жамиятда чуқур илдиз отган уйдирмаларнинг асоссизлигини исботлашга ҳаракат қилишган. Висконсинлик ўртаҳол оила бошлиғи Толчук бир оз одамови бўлиб қолган фарзанди Жастинга шерик, дўст бўлсин деб унинг чет эллик бир тенгдошини уйига таклиф этади. Лекин белгиланган куни уйга лойиҳанинг тарғибот китобчасида сурати босилган англиялик мовийкўз йигит эмас, покистонлик Раха Мушарраф қириб келади.

Жастиннинг онаси покистонлик ўсмирни



кўриб, жуда кўрқиб кетади. “Нималар қиляпсан? Ахир булар фақат кўринишдагина шундай беозор... Янгиликларни кузатиб борясанми ўзи?..” дейди у эрига. Аммо ақлли, тўғрисиўз ўсмир Раха меҳнатсеварлиги, яхши одоби билан кўп ўтмай оила бошлигининг ишончини қозонади...

Эслатиб ўтамиз, АҚШда ўтказилган навбатдаги сўровлар америкаликларнинг Ислом дини ва мусулмонлар ҳақида жуда оз билишларини, аксариятида нотўғри тасаввур шаклланиб қолганини кўрсатди. Ҳозир мамлакатда етти миллион мусулмон яшайди. Мутахассислар фикрича, ушбу кўп қисмли янги филм 11 сентябр воқеаларидан сўнг Ислом ҳақида тўқилган афсоналар тутунини тарқатиб юборишга ёрдам беради.

*Islam Online*

### Ташқи ишлар вазири баёноти



Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Владимир Норов БМТ минбаридан жаҳон ҳамжамиятини баъзи мамлакатларда одамларни Ислом дини билан кўрқитиш тобора кучли илдиз отаётганидан

огоҳ бўлишга чақирди.

– Биз террорчиликка қарши кураш баҳонасида исломни олабўжи қилиб кўрсатишга зўр бериш, Ислом оламига очикчасига ёки махфий зарар етказишга уринишларни қаттиқ қоралаймиз, – деди у БМТ Бош ассамблеясининг 62 сессияси доирасида ўтган мажлислардан бирида. Шунингдек, вазир тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун диний бағрикенглик, ўзаро ишонч ва маданиятлар ранг-баранглиги гоёсини кенг тарғиб этиш зарур эканини алоҳида таъкидлади. – Ўзбекистон исломий тамаддун марказларидан бири сифатида тинчлик ва ўзаро ҳамкорликка, миллий ва диний муносабатларда бағрикенгликка, ирқи ва этноқодидан қатъи назар, одамлар орасида ўзаро ҳурмат ва муросани қарор топтиришга интиломқда. Шунинг учун ҳам Ислом дини мавқеига соя ташлаш, тарихий ҳақиқатларни атай бузиб кўрсатишга уриниш бизда жиддий ташвиш уйғотади, – деди Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири.

*РИА “Новости”*

### Малайзиялик илк фазогир

Малайзиялик илк фазогир Шайх Мушафар Шукор шу йил 10 октябр куни Бойкўнғирдан халқаро фазовий экспедиция таркибида самога кўтарилди. Ўттиз беш ёшли шифокор-ортопед Мушафар Шукор мамлакатда ўтказилган умуммиллий синовлар натижасига кўра ўн бир минг даъвогар орасидан танлаб олинган эди. Бир неча ой Звёздний шаҳарчасида ўқиш жараёнида фазогирлик касбини эгаллади.



Фазовий экспедицияда Юрий Маленченко ҳамда америкалик аёл фазогир Пегги Уитсон Мушафарга ҳамроҳ бўлишди.

Мушафар Шукор фазовий станцияда асосан, илмий тадқиқотлар, жумладан, саратон (рак) ўсмаси тўқималари хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланди.

*ЛентаRu, Islam.ru*

### Экспертлар хулосаси

Оврупада машҳур “The Times” газетасида босилган мақолада Фарб оламига Ислом дини эмас, балки Фарбнинг ўзи таҳдид солаётгани таъкидланган. Муаллифлар мусулмон арбоблари яқинда Рим Папасига йўллаган мактубда баён этилган тинчлик ташаббусларини бу фикрга далил қилиб келтиришади.

Фарб оламига ташқи кучлар эмас, балки ички қарама-қаршиликлар катта хавф туғдирипти, дейилади мақолада.

*Islam.ru*

### Куртубада ўтган анжуман

Испаниянинг Куртуба (Кордова) шаҳрида Оврупада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ) ташаббуси билан исломофобия (Исломни, мусулмонларни ёмонлаб, одамларни кўрқитиш)га қарши кураш муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Мусулмонларга салбий муносабатда бўлишга



қарши халқаро анжуман ушбу нуфузли ташкилот доирасида илк бор ўтказилди, дея хабар беришди турли ахборот маҳкамалари.

Анжуман мезбонлари – испаниялик мутахассислар фикрича, Оврупада мусулмон мамлакатларидан келувчиларни камситиш кучаймоқда. Жумладан, улар ишга жойлашишда, бошпана топишда, фарзандларини ўқитишда катта муаммоларга дуч келишяпти.

Испания ташқи ишлар вазири Мигил Анхел Маратинос айтишича, анжуманнинг асосий мақсади Оврупада соғлом мулоқот ва ўзаро ҳурмат муҳитини барпо этиш учун исломофобияга олиб келувчи сабабларни ўрганиш, муҳокама қилиш, уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишдир.

Ҳозир Оврупада ўн беш миллион мусулмон яшайди. Анжуманда араб давлатлари лигаси бош котиби Амр Мусо ҳам иштирок этди.

Islam.ru

### Масжидун Набавий кечаю кундуз очиқ



Саудия Араби-стони қироли Абдуллоҳ ибн Абдул Азиз Мадина шаҳридаги Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) масжидлари (Масжидун Набавий) на-

мозхонлар учун кечаю кундуз очиқ бўлиши ҳақида фармон чиқарди. Мадина шаҳри волийи шаҳзода Абдул Азиз ибн Абдул Мажид шу ҳақда маълум қилди.

Шаҳзода Абдул Азиз масжид ходимларининг мазкур фармонни ижро этишга тайёр эканини таъкидлади. Икки муқаддас масжид ишлари бўйича қўмита раиси шайх Солих Хусайн энди Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) масжидлари фақат таъмирлаш ишлари ўтказиш учунгина вақтинча ёпилиши мумкинлигини айтди.

IslamNews

### Ўн икки жилдли қомус

Россия Ислом маданияти, фан ва таълимини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан Ислом Конференцияси Ташкилоти келгуси тўрт-беш йил мобайнида рус тилида ўн икки жилдли Ислом қомусини нашр этиш юзасидан келишиб олишди. Шу муносабат билан

Москва шаҳрида ўтган матбуот анжуманида Россия ташқи ишлар вазирлигининг махсус топшириқлар бўйича элчиси, президентнинг ИКТ билан алоқалар бўйича махсус вакили Вениамин Попов мазкур лойиҳа Россия учун “алоҳида муҳим аҳамият” касб этишини таъкидлади.



Интерфакс

### Кубада илк масжид қурилади



“Озодлик ороли” раҳбари Фидел Кастро халқаро ижтимоий ёрдам жамғармаси аъзолари билан учрашуви чоғида мамлакатда илк масжид қурилишига рухсат беришини маълум қилди.

Куба Кариб ҳавзасидаги аҳоли энг тигиз яшайдиган мамлакат. Оролда

ҳозир етти минг мусулмон бор, аммо биророрта ҳам масжид қурилмаган.

Мусулмонлар манфаатларини ҳимоя қилувчи Куба Ислом уюшмаси ҳукуматдан масжид очишга рухсат сўрамоқда.

Гавана шаҳрида кўпчилик мусулмон мамлакатларининг элчихона, ваколатхоналари бор. Аммо шаҳарда жамоат бўлиб ибодат ўташ учун кичик бир намозхона ҳам топилмайди. Мусулмонлар жума ва ҳайит намозларига Куба Ислом уюшмаси айвонида тўпланишга мажбур бўлишяпти. Муаммо билан танишган Фидел Кастро уни ҳал этишга шахсан ўзи аралашишини айтди.

Islam.ru

### “Аббос” карнайчилари Москвада

Москва жомеъ масжиди дарвозалари олдида рўза ҳайити муносабати билан “Аббос” гуруҳи карнайчиларининг (Ўзбекистон) томошаси бўлди. Ушбу ўзига хос тадбирга Western Union компанияси ҳомийлик қилди.



“Аббос” МДХ мамлакатларида энг машхур карнайчилар гуруҳларидан биридир. Миллий чолғу усталари жамланган гуруҳни Ўрта Осиё республикаларида катта томошалар, такдимотлар, фестивал ва танловларга тез-тез таклиф этиб туришади.

Islam.ru

### “Кўп хатога йўл қўйилди”

Италия бош вазири ўринбосари, мамлакат ташқи ишлар вазири Массимо Д’Алема террорчиликнинг олдини олишда Ислом олами билан ҳамфикр, ҳамқадам ҳаракат қилажagini айтди. Ҳиндистонда чиқадиган машхур “Ҳинду” газетасида чоп этилган суҳбатида у террорга қарши курашда ғарб мамлакатларида “жуда кўп хатога йўл қўйилди” дея таъкидлади.



– Террор фақат ғарб оламининг эмас, балки бутун инсониятнинг муаммосидир, – деди Италия ташқи ишлар вазири. – Уни жиловлаш учун Ислом олами билан ҳамкорликда курашмоғимиз керак”.

Массимо Д’Алема айтишича, БМТ кучлари тезда Ироққа қайтиб келиши зарур. Ироқ муаммосини ҳал қилишда фақат АҚШнинг эмас, балки Оврупа Кенгаши ва халқаро ҳамжамиятнинг барча имкониятларини ишга солиш жуда муҳимдир.

ИТАР-ТАСС

## БИРОВНИКИ БИРОВГА ЮҚМАС

### Инсоф

Бозорда уни ҳамма ўғри деб биларди. Шу боис, мен ҳам ундан эҳтиётимни қилиб юрардим. Бир куни ўша одам ёнимга келди. У ёқдан-бу ёқдан гаплашгандай бўлди. Бечора сиқилган шекилли, анча-мунча гапни гапириб қўйди.

– Менга кўпчилик ундоқ қилма, бундоқ қил, деб насиҳат қилишарди. Бирортасини кулоққа илмаганман. Аммо... Бировники бировга юқмас экан. Яқинда бировнинг юз минггини ўғирлаган эдим. Икки-уч барабар бўлиб чиқиб кетди. Ҳали у болам, ҳали бу болам оғригани-оғриган. Барини касалхонага сарфладим. Бировники буюрмади. Илоҳим, болаларим яхши бўлиб кетишсин... Ақлимни энди танияпман...

Кулоқларимга ҳеч ишонмадим. У ҳеч қачон бундай гапирмас, бировга бошини эгмас эди. Ҳаётидаги бу кўргиликлар хато ишларига тавба қилдирган эди.

РАВШАН,

Тошкент тумани

### “Дунё ишининг мадори йўхдур...”

Анчадан буён савдо билан машғулман. Умримнинг кўп қисми кўчада, бозорда ўтади. Болаларимни ҳар доим назорат қилолмайман. Ота-онанинг олдида боришим узоқиб кетса, гоҳида отамнинг ўзлари уйимизга келадилар. Фарзандларим билан давра куриб шеърхонлик қилишади. Гоҳ ўзбекча, гоҳ ўрисча, гоҳ французча шеърларни ёдаки ўқийдилар. Болалар завқланиб эшитишади. Четдан уларни кузатаман. Бизнинг болалагимиз шундай ўтарди. Мен эса болаларимга отам бизга берган нарсаларни беролмадим. Улар болаларга вақт ажратишимни жиддий талаб қилардилар. Мен эса ҳар галгидай турмуш ташвишлари-

ни важ қиламан. Ўша кун ҳам яна шу важимни рўқач қилдим. Танбеҳ ўлароқ Фузулийдан ўқидилар:

“Дунё ишининг мадори йўхдур,  
Ҳеч кимсая эътибори йўхдур.  
Айлар бирисини соҳиби тож,  
Ул бирисин айлар анга муҳтож”.

“Қайсидан ўқидим?” дедилар кейин отам. Билмаслигимни айтдим. “Суҳбатул асмор” (Мевалар суҳбати)дан дейдилар. Дадамга таслим бўлдим.

АЗИЗ,

Марғилон шахри

### Танбеҳ

Болалигимда еган калтак ҳамон ёдимда. Бу калтакни отамдан, онамдан эмас, кўшни маҳалладаги Соли амакидан еганман. Мактабга кеч қолаётган эдим. Шошиб кетаётиб Соли амакига салом беришни унутибман. Оргимдан мени чақирдилар. Югуриб олдиларига келдим. Келганимни биламан, бирдан тарсаки тушириб қолдилар. Юзларим қизариб ловуллаб кетди. Бу калтак катталарга салом бермаганим ва одобсизлик қилиб олдини кесиб ўтганимнинг жазоси эди. Кечирим сўраб, мактаб томон югурдим...

Соли амакининг бу танбеҳи бир умрга ёдимда қолди. Кўчакўйда катталар кўринса, салом бераман. Улардан олдин юрмасликка ҳаракат қиламан...

УМРЗОҚ,

Тошкент шахри





# ЯХШИ ОДАМЛАР БОР

Асрга азон айтилишига икки соатлар қолган. Андижонга хуфтондан сўнг етиб бориш ниятида шошилиш овланиб, йўлга тушдик. Ҳайдовчи ҳам, ҳамроҳларимиз ҳам яхши одамлар экан. Ҳали униси, ҳали буниси ҳаётий воқеалардан сўзлайди. Ҳикоялари бир-бирига уланиб, Андижонга қандай келиб қолганимизни ҳам билмай қолибмиз. Аммо ҳайдовчи чарчади шекилли, келишилган манзилгача тоқати етмаслигини айтиб, узр сўради ва бошқа бир машинага ўтказиб қўйишини айтди. Биз ҳам рози бўлдик. Келишганимиз нархдан манзилимизга етгулигини чегириб ташлади. Булоқбошининг Кулла қишлоғида тўхтаб, бошқа бир машинани гаплашди. Куллаглик ҳайдовчига манзилимизни тушунтирди. Юқларимизни тушириб, ҳамроҳларимиз билан хайрлашдик. Юқларимизни иккинчи машинага жойлаштирамоқчи бўлдик. Аммо биздан кейин келган бир киши ҳайдовчига нималардир деди. Ҳайдовчи бизга: «Кечирасизлар, бошқа мижоз чиқиб қолди», дея уни миндириб жуфтакни ростласа бўладими... Ажабланиб, ёнимизда турган кишидан сўрайман: “Нега ундай қилди, ахир у хоҳлаган нархга келишган эдик-ку!” У ҳам елка қисиб: “Яхшироқ мижоз чиққандир-да”, дейди...

Тутоқиб кетдим. Бемаҳалда нотаниш жойларда қолиш... Дилга хавотир тушди. Машина қатнови жуда оз. Биз айтган манзилга боришни исташмайди. Шеригим менга далда беради: “Ҳадеб жаҳлингиз чиқавермасин, энди кўряпсизми бундайларни, ҳозир бунақалар кўпайиб кетган...”

Йўловчи машиналарни тўхтатамиз. Гапимизни эшитар-эшитмас бош силкишади. Энди нима қилдик, дея бошимиз

роса қотганида бир «Жигули» келиб ёнимизга тўхтади. Унга рўйхуш бермай қараймиз. Тўғриси, унга-бунга ялинавериб, чарчаган эдик. “Опалар, қаёққа, йўлим бўлса, олиб кетаман”, дейди ҳайдовчи ўзгалардан фарқли ўлароқ. Манзилимизни айтдик. “Майли, йўлим шу томонга, ўтиринглар...” деб қолди. Апил-тапил юкимизни жойлаштирадик. Бир-биримизга қараб жилмайишамиз. Шу онда ҳайдовчи қанча йўлкира сўраса ҳам рози бўлардик. Ғам-ташвиш бир зумда йўқолди. Ҳайдовчи синчков экан: “Узоқдан келаётганга ўхшайсизлар, ифторлик қилганмисизлар?” деб кўнгил сўради. “Уйда қиламиз”, дедик. Совуқ ҳам, очлик ҳам бир зумга чекинган эди. Шеригим жимликни бузди: “Биз томонликмисиз?” Ҳайдовчи “йўқ” дегандек бош ирғади: “Куллагликман, “Нефтпро” деган жойни эшитганмисиз, ўша қишлоқданман. Қариндошимизникига ифторга келяпман. Ишхонада анча ушланиб қолдим... Қаранглар, бежиз кеч қолмапман, савоб иш кутиб турган экан”, деди.

Манзилга етиб келдик. Йўл ҳақини узатдим.

Ҳайдовчи уни олмади. Бир-икки минг қўшиб узатдим, яна олмади. Боисини сўрадим. Очик чеҳра билан кулиб: “Опалар, рамазонда бояги хафагарчиликни унутиб, ҳақимга дуо қилиб қўйсангиз бас”, деди. Ноилож кўндик. Машина ўз йўлига жўнаб кетди. Кўнглимиз кўтарилди, анчагача қувониб юрдик.

Алҳамдулиллаҳ, дунёда яхши одамлар бор. Уларнинг борлиги учун ҳам дунё гўзал, кўнгиллар масрур...

**САБОҲАТ,**  
Ширмонбулоқ  
қишлоғи



## УСТА ҲАҚИ


Бир танишим беш нафар устани ишлатгани олиб келди. Улар уч-тўрт хонали уйнинг бетони, пахсасини, сувоқларини қилиб беришди. Аммо қурилиш битгач, танишим уларга келишилган ҳақни бермай, уйдан чиқариб юборди. Баъзилар таъкидлашича, усталар қарғаб кетишган экан. Кўп вақт шу қарғиш боисми, норозилик боисми, уйда ғалати ҳодисалар бўлди. Танишим хато қилганини кейин тушунди. Аммо у усталарни тополмади. Уйни сотиб юборди. Сотиб олган одам уйни буткул бузиб, қайтадан тиклади. Қўниқўшнилари, усталарга кичкина зиёфат бериб, эҳсон қилди. Танишим ҳам қатнашди. Кўп вақтгача у усталар ҳақиға риоя қилмаганидан афсусланиб юрди.

**Неъматуллоҳ,  
Оққўрғон**

## ДЎСТ БУРЧИ

Абдумўмин ота билан ва Абдуқаюм отани маҳалламизда ҳамма яхши танийди. Улар ёшлиқдан иноқ дўст бўлишган. Аммо икки дўстнинг тақдири икки хил. Абдумўмин ота фарзандлари кучоғида умргузаронлик қилади. Абдуқаюм отани эса ёлғиз фарзанди ҳам ташлаб кетган. Ёлғизликдан изтироб чекканида дўсти ва унинг фарзандлари жонига ора киришади. Бетоб бўлса ҳам, биринчи улар етиб келишади. Дўстининг бу ҳимматидан Абдуқаюм ота хижолат чеккан кезлар Абдумўмин ота жилмайиб: “Дўстингман, менинг болам – сенинг боланг”, деб далда беради. Уларга ҳавасим келади.

**Собир ХАЛИЛОВ,  
Риштон тумани**



Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

## ЁМОН ТУШ

“Сизлардан бирортангиз билан тушида шайтон ўйнаса, уни бошқаларга сўзлама-син” (Муслим. “Саҳиҳ”, II жуз, 202-бет, Аҳмад ибн Ханбал. “Муснад”, III жуз, 315-бет).

Кундузи фикрлаб юрган нарсаларнинг уйқуда аралаш кўриниши, кўрқинчли ва тартибсиз тушларни, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “шайтон ўйини” деб айтганлар.

Улуғ саҳобалардан Абу Қатода Ансорийнинг (розийаллоҳу анҳу): “Ёмон тушлар кўришим сабабли жуда кўрқар эдим. Расулуллоҳ тавсияларни эшитганимдан кейин кўрқинчли тушларга ҳеч аҳамият бермай кўйдим. Уйғонишим билан чап томонимга уч марта туфлаб, Аллоҳга сизиниб, бошқа тарафимга қараб ётаман, кишиларга сўзлаб юрмайман ва тушлардан зарар ҳам кўрмайман” (Муслим. “Саҳиҳ”, II жуз, 199-бет), деб сўзлагани ривоят қилинган.

Баъзан тушлар рост бўлади. Бундай тушлар ҳадисларда “рост, тўғри тушлар” деб таърифланган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳи алайҳи ва саллам): “Мўминнинг туши пайғамбарликнинг қирқ олтидан бир жузъидир”, деганлар. Бунда у зот дуруст, рост тушларни назарда тутганлар.

Фан аҳлининг сўзига кўра, туш қувваи ҳофиза ва қувваи ваҳимада ўрнашиб қолган хаёлларнинг уйқуда мужассамлашиб кўринишидан

иборатдир. Ҳар кишининг туши ҳаёт тарзига мувофиқ равишда кўринади. Кўнгиллари соф, меъдалари саломат, ваҳм ва кўрқинчли хаёлотдан фориғ бўлган баъзи одамларнинг баъзи тушлари дуруст бўлиши мумкин экани инкор этилмайди. “Бунинг сабаби яхши англашилмасда, ҳақиқат ҳамда воқеъликда бор”, дейилади.

Ҳар кимнинг туши пайғамбарликдан бир бўлак бўлавермайди ва ҳар кимнинг кўргани дуруст туш жумласига ҳам киравермайди.

Шунинг учун тушларга ортиқча аҳамият бермаслик, уларни сўзлаб вақтни беҳуда ўтказмаслик керак. Шунга риоя қилган одам, иншааллоҳ, хотиржам, роҳат-фароғатда яшайди.

“Жавомеъул калим”, Т.,  
“Мовароуннаҳр”, 2004 й.,  
76-бет.

# ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ТАБИАТ ВА ИНСОН, ПОКЛИК ВА САЛОМАТЛИК МАСАЛАЛАРИ

**Сажжод КОМРОН**, Покистон Ислам Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси:\*



— Аллоҳ таоло инсонни махлуқотларининг энг шарафлиси қилди. Унга чексиз неъматлар берди. Бу шараф, бу неъматлар инсон зиммасига жуда катта масъулият ҳам юклаши табиийдир. Куръони каримнинг икки юз эллик оятида табиат, уни

асраб-авайлаш мавзулари зикр этилгани ҳар бир ақлли кишини чуқур тафаккур қилишга ундайди, албатта.

**Минҳожиддин МИРЗО**, Республика маънавият ва тарғибот Маркази раҳбари:

— Биз яшаётган жой, атроф-жавониб, Ватан кўркамлиги аслида кўнгил ободлигидан бошланади. Кўнгил ободлиги эса илм ва маърифат билан бўлади. Донишманд ажодларимиз бу хусусга жуда катта аҳамият беришган. Ҳазрати Алишер Навоидан мактабдаёқ ўқиганимиз бир ҳикматни келтирсам:

*Камол эт касбким, олам уйидин  
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.  
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Инсон Аллоҳ берган неъматлардан хоҳлаганича фойдаланса-ю, одам ва олам олдидаги бурчини адо этишдан юз ўгирса, бу ҳол унинг бутун умри ғам-ғафлатда ўтганини билдирар экан. Алишер Навоий бу мавзуга жуда кўп асар-

ларида, айниқса, “Фарҳод ва Ширин” достонида катта ўрин бергани сизга маълум.

Яқинда Японияда ёш рассомларнинг бир танлови ўтказилди. Танлов шартинсониятни бўҳронлар, офатлардан нима қутқариб қолади, деган мавзуда расм чизиш эди. Унда ўзбекистонлик 7-синф ўқувчиси Севинч исмли қиз ғолиб топилди. Севинч чизган расм нимаси билан ҳайъат аъзолари меҳрини қозонган эди? Бадийий ечимлари пухта бўлмаса-да, бу расмда инсонларнинг халос бўлиш йўли тўғри кўрсатилган, чунки ўзбекистонлик еттинчи синф ўқувчиси чиройли бир китоб тасвирини қоғозга туширган эди.



**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигининг бош муҳаррири:

— Атроф-муҳитни тоза сақлаш ҳақида кўп гапираримиз. Аммо амал қилишга келганида, кўпчилигимиз бунга риоя қилмаймиз.

Ҳолбуки, айрим Оврупа давлатларида жамоат жойлари, кўчалар тозалигига доир қатъий қоидалар жорий этилган, риоя қилмаганлар дарҳол жаримага тортилади.

Яқинда поезда бир ви-

лоятга бордим. Темирўлнинг ҳар икки ёнида чиқиндилар, ахлат уюмларини кўравериб, тўғриси, сафар гашти кўнгилга татимади. Маҳалламизда ёзги дам олиш кунларидан бирида ҳашар қилиб, уйимиз атрофини тозаламоқчи бўлдик. Ҳар бир хонадонга хабарини бердик. Белгиланган кун эрталаб



\*Давоми. Бошланиши 1-бетда



ҳовлига тушсам, уч-тўртта мардикор турибди. Бошқа ҳеч ким йўқ. Суриштирсам, мардикор йигитларни бир қўшним пулини келишиб ёллаган экан. Қаранг, одамларда қандай муносабат шаклланыпти? Шунинг учунми, ҳар қанча уринсангиз ҳам чиқиндихона бўлатуриб, ахлатни йўлакка, кўча юзига ташлаб кетиш ҳолларига барҳам топмаяпти. Ахир бошқа тумандан бир одам келиб бизнинг уй олдига ахлат ташламайди-ку! Ўзимиздан чиқади ҳаммаси...

Болаликдан ёдимда: ош қилсак оналаримиз гуруч курмаги жўжанинг, сабзи пўчоғи бузоқнинг, гўшт суяғи итнинг ризқи, деб ҳеч бир чиқинди ортишига ўрин қолдиришмас эди. Ҳозир чиқиндиларнинг тури кўпайган. Айниқса, уйини таъмир қилганлар қоп-қоп ахлат чиқариб ташлашади. Биратўла уйни чиройли, талабимизга мослаб курсак бўлмайдами? Уй қуриб бўлингач, ҳар жойини бузишимиз нимаси...

**Убайдулла УВАТОВ, Тошкент Ислоҳ университети профессори:**



— Аллома боболаримиз ёзган китобларида поклик, меҳнатсеварлик, эл-юрт озодлиги учун жон куйдириш каби фазилатларга чақирибгина қолмасдан, балки ўзлари ҳам бундай хайрли ишларда пешқадам, ибрат бўлишган. Масалан, Имом Бухорий бобомиз катта работ

қурдириб, боғда ўзлари ҳам шогирдлари билан ёнма-ён тер тўкканлари ривоят қилинади. Ҳаким Термизий ҳазратлари ҳам худди шундай. Манбаларда у зотнинг ҳатто юз ёшга етганларида ҳам жисмоний меҳнат билан шуғулланишни қанда қилмаганлари қайд этилади. Амир Темур ҳазратлари қурдирган работлар, боғлар таърифи етти иқлимга машҳур. Самарқанддан Китоб шаҳрига кетаваришда барпо этилган боғда йўқолиб қолган отни хизматкорлар олти ойдан сўнг боғ чеккасидан топиб келишган экан. Бу воқеа боғ ҳудуди жуда катта бўлганидан дарак беради.

**Абдулҳаким ШАРЪИЙ ЖУЗЖОНИЙ, Тошкент Ислоҳ университети профессори:**

— Эндиликда атроф-муҳит муҳофазасига доир қонун-қоидаларга риоя қилиниши ус-

тидан жиддий назорат ўрнатиш жуда муҳимдир. Зеро, халқимиз тарихида шундай бўлган. Шаҳарларимиз озодлиги, йўллар, ариқларнинг покиза сақланишини текширувчи махсус муҳтасиблик хизмати жорий этилган. Бу тизим хизматчилари ҳатто иш ҳайвонларининг ҳақларини ҳимоя қилишган. Улар мансаби ёки унвонидан қатъи назар барчага бирдек, қонун талаби билан қатъий муносабатда бўлишган. Масалан, газнавийлар даврида шундай муҳтасиблар қонунбузарлиги учун ҳатто амирларни ҳам жаримага тортгани манбаларда қайд этилади.



\* \* \*

Анжуман ниҳоясида ишчи гуруҳи тузиб, билдирилган фикр-мулоҳаза, таклифларни ўрганиш, керакли хулосалар чиқариш, уларни бутун республика, хоссатан, Тошкент маҳаллаларида кенг тарғиб этиш зарурлиги таъкидланди. Табиат муҳофазаси мавзусига масжидлар имом-хатибларининг жума мавъизалари мундарижасидан кенг ўрин ажратиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

**Абдул ЖАЛИЛ**  
ёзиб олди



# АЛБАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ



*Майдони:* 28748 кв.км.  
*Аҳолиси:* 3,4 миллион киши.

*Пойтахти:* Тирана шаҳри.

*Тузumi:* демократик республика.

*Давлат бошлиғи:* президент

*Маъмурий тuzилиши:* 26 та округдан иборат.

*Йирик шаҳарлари:* Дуррес, Элбасан, Корча.

*Пул бирлиги:* лек.



Милоддан аввалги учинчи минг йилликларда ҳозирги Албания ҳудудида пелесг қабилалари, иккинчи минг йилликларда эса иллирий қабилалари яшаб ўтган. Шунингдек, фракийлар ҳам ҳозирги албанларнинг қадим аждодлари ҳисобланишади. Милоддан олдинги иккинчи асрда Албания ерларини римликлар босиб олишди ва Рим империясининг Далматсия вилоятига қўшиб юборишди. Милоднинг бешинчи асрида Рим империяси

қулагач, бу ҳудудлар Византия империяси таркибига кирди. Ўн тўртинчи асрда Албанияни серб қироли Стефан Душан босиб олди. 1479 йили мамлакатнинг бутун ҳудуди турклар қўл остига ўтди ва у узоқ йиллар Усмон-

лилар салтанати ҳукмронлигида бўлди. Турклар мамлакатга Ислом динини олиб киришди. 1912 йили турклар Албанияни тарк этишди. 1928 йили Аҳмад Зогу ўзини Ал-

бания подшоҳи деб эълон қилди. Аммо кейинчалик италянлар ва немислар уни босиб олишди. 1944 йили Албания ҳудуди италян ва немислардан тўла озод қилиниб, СССР қўлига ўтди. 1946 йил 2 январда Албания Халқ республикаси ташкил этилди. Мамлакат 60-



йилларнинг охирларидан бошлаб қирқ йил мобайнида мустабид тузум қўл остида қолди. 1991 йили у Демократик республика деб эълон қилинди.

Албания иқтисодиёти кўпроқ қишлоқ хўжалигига асосланган, саноати ҳам энди ривож топаётган мамлакатлардан саналади. Зами-нидан нефт, кўмир, хромитлар, мис рудаси ва бошқалар қазиб олинади. Шунингдек, саноатнинг озиқ-овқат, металлни қайта ишлаш тармоқлари яхши тараққий этган. Қишлоқ хўжалигида кўпроқ деҳқончиликка эътибор қаратилган. Асосан буғдой, маккажўхори, шоли, техника экинларидан тамаки, қанд лавлаги ва пахта етиштирилади. Узум, ситрус мевалар, картошка кўп экилади. Чорвачиликда эса қўй ва эчки парваришlash билан шуғулланилади. Четга битум, нефт, темир ва хром рудалари, ишланмаган мис, тамаки маҳсулотлари, ҳўл ва консерваланган мевалар,

сабзавотлар чиқаради. Хориждан машина ва ускуналар, кимё саноати маҳсулотлари харид қилади. Асосан Хитой, Оврпа Иттифоқи мамлакатлари, Туркия билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатган.



Албания аҳолисининг тўқсон уч фоизи албанлар, беш фоизи греклар, қолганлари валахлар, лўлилар, серб ва булғорлардан иборат.

Жами аҳолининг етмиш беш фоиздан ортиқроғи мусулмонлардир. Ўн етти фоизи православ, саккиз фоизи эса католик на-сронийлардан иборат.

Мамлакатдаги Ислom шайхлари кенгаши диний мутахассислар тайёрлашга катта эътибор бермоқда. Бир неча мадраса ишлаб турибди. 2005 йили Албанияда илк Ислom университети ташкил этилди. Мазкур университетда албан талабалардан ташқари, Косовo, Македония ва Сербиядан келган ёшлар ҳам таҳсил олишади. Ўқув дастурига Қуръон ва ҳадис, фикҳ, ақида, Ислom тарихи каби диний илмлардан ташқари бир неча хорижий тиллар, тарих ва жуғрофия каби умумтаълим фанлари ҳам киритилган. Мамлакат мусулмонларининг асосий қисми аҳли сунна вал жаоманинг ҳанафий мазҳабига мансуб.

Албания Ислom Конференсияси Ташкилоти аъзосидир.

**Аҳмад ТУРСУН**

*Манбалар:*

“Страны мира”. Справочник, Москва, 2003, стр. 14-17.

“Атлас мира”. Справочник, Москва, 2003, стр. 19.

Интернет сайтлари.



Ҳолид Муҳаммад ҲОЛИД

# ТУФАЙЛ ИБН АМР ДАВСИЙ

Туфайл Давс ўлкасида, шарафли ва сазий бир оилада вояга етди.

У шеър ёзиш қобилияти бор эди. Шу боис шухрати ва истеъдоди қабилалар орасида кенг ёйилди.

Укоз бозорида мамлакатнинг турли жойларидан келган араб шоирлари йиғилиб, халққа истеъдодини намойиш қилар, шунда Туфайл ўзига хос ўринга эга бўлар эди.

Укоз бозори мавсумидан бошқа пайтларда ҳам у Маккага тез-тез бориб турарди.

Бир сафар шаҳарга борганида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Исломга даъват қилаётган эдилар.

Қурайш аҳли Туфайлнинг Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан кўришиб, мусулмон бўлиши ва истеъдоди билан Исломга хизмат қилишидан кўрқар эди... Шу сабабли бу учрашувнинг олдини олмоқчи бўлган мушриклар Туфайлни давраларига тортиб, уни машғул қилиш учун турли хил маишат, меҳмондорчиликларни ўйлаб топишди.

Қурайшликлар Туфайлга бундай дейишди: “Муҳаммаднинг гаплари ота-болалар, ака-ука, эр-хотин ўртасига совуқчилик солиши мумкин. Биз сенинг ҳам, қавминг ҳам адашувидан кўрқамиз. У билан гаплаша кўрма, сўзларини асло тинглама!..”

Воқеани Туфайлнинг ўзи бундай баён қилади:

“Аллоҳга қасамки, у зот билан учрашимга роса қаршилиқ қилишди, охири кўришмасликка ва сўзларини эшитмасликка қарор қилдим. Каъба ёнига борганимда гапларини тингламаслик учун кулоқларимга пахта тикиб олдим.

Аммо Аллоҳ таоло Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гапларини эши-

тишимни хоҳлади ва ниҳоятда гўзал нарсалардан хабардор бўлдим.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга Исломни англатдилар, Куръон ўқиб бердилар.

Мен ҳаётимда бундан ҳам гўзалроқ сўзларни, одилликни эшитган эмасдим.

Мусулмон бўлдим. У зотнинг шоҳидлик-

ларида шаҳодат келтирдим ва: “Эй Расулulloҳ, мен қавмимда ўз сўзига эга бўлган киши эдим. Қавмимнинг ёнига қайтман. Уларни Исломга чақираман. Бунда менга ёрдам берадиган оят нозил қилишини сўраб,

Аллоҳга илтижо қилинг”, дедим.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳим, бу ҳақда бир оят нозил қилгин!” деб дуо қилдилар.

\* \* \*

Аллоҳ таоло: “Сўзни тинглаб, энг гўзалига тобе бўлган ул кимсалар”, мазмунли оятни нозил қилди.

Туфайл ана шундай бахтга мушарраф бўлган саҳобалардан бири эди.

У соф фитрат соҳиби бўлгани боис Аллоҳнинг элчиси дилига солган рушд ва хайр оятларидан баъзиларини эшитиши билан қалби очилиб, мусулмон бўлиб, дарҳол ўз қавмини ҳақ динга ва тўғри йўлга чақиришга жазм этди.

Шу мақсадда юртига — Давс ўлкасига борган заҳоти қатъий ишонч билан отасига юзланди. Аллоҳни танитган Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тилга олиб, отасини Исломга чақирди. У зотнинг буюклигини, поклигини, камтарлигини таъкидлади.

Отаси ҳам мусулмонликни қабул қилди.

Сўнг онасига юзланди, у ҳам муслима бўлди.

Кейин аёлига сўз очди. Аёли ҳам муслима бўлди.

Ислом нури хонадонини ёритганига ишонч ҳосил қилгач, кўчманчи халқи ва бутун Давс аҳлига юзланди. Аммо улар орасидан Абу Ҳурайрадан бошқа ҳеч ким му-

сулмонликни қабул қилмади.

Қабилadoшлари Туфайл ибн Амрни ўзларидан узоқлаштира бошлашди. У сабр-бардош билан ҳақ йўлга даъват этди. Аммо натижа чиқмагач, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) би-

лан учрашиш мақсадида уловига миниб йўлга тушди.

Маккага етиши биланоқ энг соғинган инсоннинг — Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйларига кирди.

Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) бундай деди:

“Эй Аллоҳнинг расули! Давсда зино ва жаҳолат менга қарши чиқиб, голиб бўлди. Аллоҳдан сўранг, Давс аҳлини ҳалок этсин”.

Расулulloҳ муборак қўлларини дуога очиб:

“Аллоҳим, Давс аҳлига ҳидоят бер, уларни мусулмон қил”, дедилар.

Сўзларига жавобан бундай яхши дуони эшитган Туфайл даҳшатга тушди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга юзландилар:

“Қавминг ёнига қайт. Уларни Исломга чақир ва хушмуомалада бўл”.

Туфайлнинг қалби руҳий бир осойишталик билан тўлди. Қаршисидаги марҳаматли инсон — Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) унинг устози эдилар. Исломий,



кўнгилга хотиржамлик бағишловчи маслаҳат олгани учун Аллоҳга ҳамд айтди.

Қавмига бориб, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буюрганларидек, хушмуомалалик ва сабр-тоқат билан Исломга даъват қила бошлади.

Шу орада Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага ҳижрат қилдилар, Бадр, Уҳуд, Ҳандақ жанглари бўлиб ўтди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳайбарда турганларида, Аллоҳ мусулмонларга зафар насиб этганида, Давсдан саксон оиладан иборат гуруҳ Пайғамбаримизнинг ҳузурларига келди.

Улар Исломни қабул қилишди. Буни кўрган Туфайл ибн Амр Аллоҳдан Давс аҳлини ҳалок қилишини сўраб, Расулulloҳнинг ёнларига келганини эслади. Пайғамбаримиз эса: “Аллоҳим, Давс аҳлига ҳидоят бер”, деб дуо қилган эдилар.

Аллоҳ таоло Давсни ҳидоятга етказди. Улар мусулмон бўлишди. Саксон оила қавмининг кўпчилиги эди, албатта. Улар Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эргашишди.

\* \* \*

Туфайл жамоаси билан бирга хизматини давом эттирарди. Макка фатҳ этилган кунини бир мусулмон ғолибликдан кибрланмай, аксинча, зафарга етказгани учун Аллоҳга шукрлар айтиб боришарди.

Туфайл Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Каъбадаги бутларни синдириб, узоқ муддат ҳукм сурган залолатдан тозалаётганларини кўрди. Улар орасида Амр ибн Хумаймага тегишли бут борлигини эслади. Илгари бу ерга зиёратга келганида иккаласи бирга шу

бутга сифинишар, жонсиз бу жисмга ёлборишар эди.

Эндиликда Туфайлда ўша кунлардаги гуноҳларини ювиш учун имконият туғилган эди. Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Амр ибн Хумайманинг бутини ёқиш учун рухсат сўради.

Ўша бут “Залкаффайн” деб аталарди. Пайғамбар унга рухсат бердилар. Туфайл бутни ёқиб юборди. Олов сусайганида кучайтириб:

“Эй Залкаффайн, сенга сифинувчилардан эмасман,

Бизнинг таваллудимиз сеникидан қадимийроқ,

Олов билан ичингни тўлдирдим”, деган мазмунда байт айтарди.

Туфайл Пайғамбар (алайҳиссалом) атрофларида шу тарзда ҳаёт кечирди. У зотнинг орқаларида туриб намоз ўқирди, илм ўрганарди, ғазотларда иштирок этди.

Туфайл Расулulloҳ вафотларидан сўнг масъулияти тугамаганини, аксинча, мусулмон сифатида вазифалари ортганини англади. Бу даврда Риддат жанги бўлаётган эди. У улуг бир орзу билан шиддатли ва аёвсиз жангларда иштирок этди. Ўғли Амр ибн Туфайл у билан доимо бирга эди.

Амр ибн Туфайл Шомдаги Ёрмук жангида ҳалок бўлди.

Гулсара СОАТҲОНОВА  
таржимаси





# БИР САВОЛ СЎРАСАМ...



## Саволларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво ҳайъати жавоб беради

**Савол.** Аёлнинг нафақаси нимадан иборат? Унинг миқдори белгиланганми?

МУҚАДДАМ,  
Сариосиё

**Жавоб.** Аёлнинг нафақаси эрининг зиммасидадир. Озиқ-овқат, кийим-бош ва бошпана аёлнинг нафақасидир. Эр аёлини озиқ-овқат, кийим-бош ва бошпана билан таъминлаши керак. Бизнинг ҳанафий мазҳабда аёл нафақасининг миқдори муайян қилиб белгиланмаган. Унинг миқдори эр-хотиннинг молиявий ҳолатига кўра бўлади.

Хотин эрининг никоҳига ўтганидан бошлаб, яшаш жойи ва одат тақозо қиладиган кийим бош олиб беришни эридан талаб қилиши мумкин. Эҳтиёж туғилганида, янги кийим ҳам олиб бериши керак.

Шунингдек, эр хотинини ювиш ва тозалаш воситалари, уй асбоблари ва ётоқ жиҳозлари билан ҳам таъминлайди.

Эр унга жиҳозларини сақлайдиган ва ўзи бирга бўладиган алоҳида хона қилиб бериши лозим. Лекин булар аёлнинг мулки ҳисобланмайди.

Аёл талоқ иддасида ўтирганида ҳам унинг нафақаси эр зиммасида бўлади.

**Савол.** Икки киши аср намазининг охириги рукусига улгуриб, жамоатга қўшилдик. Имом намазни тугатиб салом берганидан сўнг, мен яна бир ракат ўқиб, ташаҳхудга ўтирдим. Мен билан бир вақтда келиб қўшилган одам икки ракат ўқиб, кейин қаъдага ўтирди. Қайси биримиз тўғри қилдик, деб иккиланиб қолдим.

ЎКТАМ,  
Қўшробот

**Жавоб.** Уч ва тўрт ракатли фарз намозларнинг охириги бир ракатида имомга иқтидо қилган киши қолдирган ракатларини қуйидагича ўқийди:

Имом салом берганидан сўнг туриб, сано ўқийди, тааввуз ва тасмия айтиб, Фотиҳа сурасини ва яна бир сурани ўқийди. Руку ва саждадан кейин ўтириб, ташаҳхуд ўқийди. Сўнг учинчи ракатга туриб, Фотиҳа ва яна бир сура ўқийди. Кейин руку ва сажда қилади, агар намоз уч ракатли бўлса, ўтириб ташаҳхуд, саловат ва дуо ўқийди ва салом беради.

Агар намоз тўрт ракатли бўлса, ўтирмай яна қиёмга туради, фақат Фотиҳа сурасини ўқийди, руку сажда қилиб, сўнг ўтиради. Ташаҳхуд, саловат ва дуо ўқиб, намозини тугатади.

**Савол.** Ҳажжи бадал қилдириш моқчи эдим. Унинг шартларини баён қилсангиз.

ЭРКИНБОЙ ОТА,  
Уреут

**Жавоб.** Баъзи шартлар бўлганида ўз номидан бошқа кишига айтиб ҳаж қилдириш (ҳажжи бадал) жоиз бўлади.

Бу шартлардан асосийси ҳаж қилишга қодир бўлган кишининг бирор сабаб (масалан, хасталик) билан ҳажни адо қилишдан ожиз қолишидир.

Агар ҳажжи бадал қилдиргач, ожизлиги бартараф бўлса, ўзи қайта ҳаж қилиши лозим бўлади.

Ожиз қолган киши бошқага “Менинг номимдан ҳаж қил”, деб буюриши керак. Кимдир ихтиёри билан бировнинг номидан ҳажжи бадал қилса, ўрнига ўтмайди. Фақат фарзандлар ўтган ота-оналарининг номидан ўзлари ҳажжи бадал қилишлари ё буни бировга буюришлари мумкин.

Ҳажжи бадал қилувчининг йўл ва озуқа харажатлари буюрувчининг молидан бўлиши лозим. Ҳажжи бадал учун хизмат ҳақи тўланмайди, олинмайди.

Ҳажжи бадал қилувчи эҳромни ҳажжи бадал қилишни буюрган киши номидан боғлаши керак.

Ўзи ҳажни адо қилишга қодир бўлган киши ҳажжи бадал қилдиришга, ўрнига ўтмайди. Ҳажга қодир бўлмаган камбағал одам ҳажжи бадал қилдириши жоиз эмас.

Ҳажжи бадал қилишни ўз зиммасидаги ҳаж фарзини адо қилган кишига буюриш афзал. Аммо ҳанафий мазҳабимизда ҳаж фарзини адо қилмаган кишига ҳам ҳажжи бадал қилишни буюриш жоиз.

Манбалар:

“Қозихон”, “Радул мухтор”, Дуррул мухтор, “Олағирия”.

Ҳайъат раҳбари  
Абдулазиз МАНСУР

# БЕГОЙИМЛАРГА АЙТАР СЎЗЛАРИМ



Тирикчилик гамида кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаётган бекларимизга биз бегойимлар: “Илоҳим, ишингиз доимо ўнгидан келсин, Аллоҳ таоло барака берсин”, деб чиройли дуода бўлишимиз керак.

Оилам, бола-чақам деб меҳнат қилиб, ҳалол пул топиш катта машаққатдир. Рўзгор дегани шунчалар тубсиз горки, уни тўлдираман деб бекларимиз ҳатто оила даврасида хотиржам ўтиришолмайди, болалар билан дардлашишга, суҳбатлашишга ҳам кўпинча вақт ажратишолмайди.

Шундай пайтларда биз бегойимлар бекларимиз учун тансиқ таомлар, кўнгиллари тусанган ширин-ширин пишириқлар тайёрлашдан эринмайлик. Кийимларини ораста тутайлик. Ташвишларига шерик бўлайлик. Болаларига бутун меҳримизни берайлик. Малол олмай хизматларида турайлик. Оиланинг тотувлиги, иноқлиги мана шу жиҳатларимизга боғлиқ.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Аёлнинг энг олий ибодатлари намоз ва эрига итоат қилишидир”, деганлар.

Дунё лаззатлари бизни ўзига ҳаддан зиёд ошуфта этмасин. Зеб-зийнатга берилиш билан бекларимизни қийнаб, ночор аҳволга солиб, тик бошларини ҳам қилмайлик. Талҳа ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анху) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай сўзларни келтирадилар: “Агар аёл эрининг юзига қараб дағал сўз айтса ва эри бу сўздан ғамгин бўлса, Аллоҳ таоло бу аёлни чиройли сўзлар билан эрини хурсанд қилиб кулдирмагунча азобга дучор қилади”.

Бегойимларнинг бахти оила қувончи ва фароғатида эмасми?! Яхши сўзлар, маҳбубона дилраболик ва чиройли хулқ-атвори билан эринию фарзандларини хушвақт этган аёлга жаннат вожиб бўлади. Шундай экан, бегойимлар, бекларимизни қўлимиздан келганича ардоқлайлик, кўнгилларида ҳуда-беҳудага озор бермайлик, турмушнинг оддий икир-чикирларини деб, кўнгил-

ларини қоронғу қилмайлик. Хизматимизни миннат этмайлик. Ибн Аббос (розийаллоҳу анху) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «Мен жаннатни кўрдим. Кейин дўзахни кўрдим, бугунгидек (даҳшатли) манзарани кўрмаганман. Қарасам, унинг кўпчилиги аҳли аёллар экан», дедилар. Одамлар: «Ё Расулуллоҳ, нечун бундай?» деб сўрашди. У зот: «Кўрнамаклик қилганлари учун», дедилар. Одамлар: «Аллоҳ таолога кўрнамаклик қилганлари учунми?» дейишди. У зот: «Эрларига ва уларнинг қилган яхшиликларига кўрнамаклик қилганлар. Баъзи аёлларга умр бўйи яхшилик қилсангиз ҳам, агар сиздан заррача хатолик ўтганини кўрса, “Сендан сира яхшилик кўрмадим», деб айтади, дедилар” (*Бухорий ривояти*).

Аллоҳим, биз бегойимларни шундайлардан бўлиб қолишдан Ўзинг асрагин.

**Нозима АЗЛАРОВА,**  
Ўзбекистон Давлат жаҳон  
тиллари университети  
2-курс магистри

## ТАРБИЯЛИ ХОТИН ГЎЗАЛДИР

Ҳадиси шарифда: “Ҳаё имондандир” дейилади. Ҳазрати Усмон (розийаллоҳу анху) ҳақларида Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) “Келинчаклар каби ҳаёлидир”, деган эканлар.

Қизларимиз, Аллоҳ насиб этса, суюкли ёр, бир хонадон бекаси, меҳрибон она бўлишадди. Шундай экан, улар ўзлари-

ни қоғоздаги қанд каби асрашлари лозим. Қоғозга ўралган қанднинг рангини, мазасини уни очиб-еб кўрмагунча биров билмайди. Зеро, нақлларда: “Гўзаллиги ила мадҳ этилувчи хотин гўзал эмас, балки тарбияли хотин гўзалдир”, дейилган.

**Муқаррам ФОЗИЛОВА,**  
Тошкент шаҳри

Одатда оилада қиз болаларга она-лар сирдош, дилдош бўлишади. Бизнинг оилада негадир акси бўлган. Иккита қизнинг сирдоши ҳам, дилдоши ҳам дадам эди.

Раҳматлик дадам уста, маърифатли инсон бўлганлар. У киши қизлар тарбиясига ниҳоятда катта эътибор билан қарардилар. Улғайиб, бошқа хонадонга келин бўлиш арафасида дадам бизга чиройли ынасиҳатлар қилганлар. Улардан айримларини мухтасар ҳолда қизларимизга, аёлларимизга улашгим келди.

– Қизим, сабр-диёнатни асло тарк этма, бирор эҳтиёжинг бўлса, холис ният қилиб, Аллоҳдан сўра.

– Қизим, сен танимаган, билмаган хона-

## ҲАЁТ МАКТАБИ



донга келин бўляпсан. У уйнинг ўзига хос тартиб-қоида-си, оила-аъзоларининг ўзига хос феъл-атвори бор. Сен энг аввало шуларни яхши билиб ол, кейин шунга қараб муомала қил.

– Қизим, сен тушган уйдаги барча қийинчиликларини, тушунмовчиликларини сабр-қаноат, ақл-фаросат билан енгишга ҳаракат қил.

– Қизим, эр кўчанинг одами. Кўчада кўп, чиройли нарсаларни кўради. Шунинг учун ҳамisha уйингни озода тут.

– Қизим, эрингинг ота-онаси ва яқинларига ҳурмат кўрсатиб, дуоларини ол. Уларга саломингни асло қанда қилма.

Муқаррама МАЪРУФЖОН қизи,  
маданият ишлари аълоҳиси

## ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

\* Ёстиқ жилдларини пахта-ли матодан тикиш, ҳафтада бир марта алмаштириб туриш лозим. Негаки, юз терлаши, сўлак оқиши ёстиқ жилдларида изларини қолдиради.

\* Ҳавода кўзга кўринмайдиган чанглар қуюн ҳосил қилади. Шу сабабли болалар хонасини чангютгичда тозаламаган маъқул. Энг яхшиси, супургини ҳўлаб супуриш, латтани ҳўлаб, полни артиш керак. Чанг канаси қайнатганда ўлади, шунинг учун чойшаб ва кўрпа-ёстиқ жилдларини камида ярим соат қайнатиш, ичкийимларни, айниқса, болалар кийимларини ювгандан кейин албатта дазмоллаш керак.

\* Шакар ва ширинликларни ҳаддан кўп истеъмол қилиш юз

териси учун зарарлидир. Улар терининг ёғли бўлиши ҳамда ҳуснбузарлар тошишига сабаб бўлади.

\* Биз ҳавони ўпкамиздан ўтказиб тозалаймиз. Ўпка ишини яхшилаш учун очиқ ҳавода, айниқса момақалдиқроқдан сўнг иложи борича кўпроқ бўлиш керак. Мусаффо ҳаво иммун тизимимизни яхшилади, чарчоқларимизни ёзади, мусбат зарядланган қонимизни мусбат ионлар билан тўйдиради.

\* Болаларда камқонлик оқибатлари аянчли бўлиши аниқланган. Жумладан, темир етишмаслиги икки ёшгача даволанмаса, хасталик боланинг миясига салбий таъсир қилади. Бунинг олдини олиш ва йўқо-



тилган калций ўрнини тўлдириш учун ҳар кунни творог, пишлоқ, сузма еб, сут, қатиқ ичиб туриш лозим.



# Ҳақ амрига кимки бўйин сунмагай,

Қурбон ТЎРА

## Ватан тупроғи

Мен сени қалбимда кашф этдим, Ватан,  
Эй улуғ диёрим, гурурим, шоним.  
Номингни юракка нақш этдим, Ватан,  
Номингдан ўргилай, Ўзбекистоним!

Эзгу ниятларинг ҳур мамлакатда  
Рўёбига етар эртами ё кеч.  
Йўллар кўп ва лекин тўғри йўл битта,  
Танграм, тўғри йўлдан адаштира ҳеч.

Бу имон-эътиқод йўлидир шаксиз,  
Бу йўлдан тойганлар бефайз, беқадр.  
Ў, азиз одамлар, қанчалар ҳақсиз:  
Имони бут одам собитқадамдир.

Одамзод дунёга келаркан токи,  
Муборак илк қадам — Ватан тупроғи.  
Кимдир кўз юмаркан ҳаётдан ёки  
Сўнги бошпана ҳам Ватан тупроғи...

Ўзбегим, эй менинг ёруғ юзлигим,  
Дилдаги достоним, тилдаги болим.  
Ўзбегим, эй менинг танти ўзбегим,  
Ўғил-қизларингда кўрай иқболинг!



## Сен энди аскарсан

Қаерда бўлсанг ҳам, омон бўл, болам,  
Аммо унутмагин ушбу сўзни ҳам:  
Шу Ватан сеники, эл-юрт сеники,  
Элингга, юртингга посбон бўл, болам,

Унутма, дунёнинг ишлари майда,  
Ватан хизматидан ортиқ бахт қайда?  
Ватан чорлаганда — ҳар қандай дамда  
Юртга садоқатли ўғлон бўл, болам,

Белни маҳкам боғлаш — йигитнинг иши,  
Кўнгилларни овлаш — йигитнинг иши,  
Кўнгли кенг, гурури осмон бўл, болам,  
Қаерда бўлсанг ҳам, омон бўл, болам!

Сен энди аскарсан, сафларда борсан,  
Қасамёд қилгансан, элга дастёрсан.

Тўғри йўлда марду майдон бўл, болам,  
Қаерда бўлсанг ҳам, омон бўл, болам!

Дўстлик тумани



Абдуғани СУЛАЙМОН

\* \* \*

Ҳақ амрига кимки бўйин сунмагай,  
Боғ экар-у, бирор гиёҳ унмагай.

Бандасининг ибодати тавбадир,  
Яратганнинг инояти турфадир.

Пок яшагин, шудир Аллоҳ фармони,  
Ҳақ йўлидан юрганнинг йўқ армони.

Хавф айлагин, кўрмагайсан кулфатни,  
Ражо этгин, ёр этарсан нусратни.

Худованднинг раҳмати уммон эрур,  
Фазл этса, афви ҳам осон эрур.

Нола қилсанг, оҳингга етқувчи бор,  
Ҳар ишингни номага битқувчи бор.

Ким гуноҳга тавба қилмасдан кулар,  
Тонг-ла маҳшар бошига тушса билар.

Икки йўлнинг ўртасида борасан,  
Бу омонат жон учун овворасан.

Не учун оламга келдинг — билмадинг,  
Ҳақ йўлида бир савоб иш қилмадинг.

Нажот кутсанг, Ҳақни мудом зикр қил,  
Ҳар нафасга карра-карра шукр қил.

Кимки мудом Ҳақ зикридан огоҳдир,  
Икки олам ғазнасига ул шоҳдир.

## Ҳаёт ҳикматлари

Аёл, фарзанд, оға, дўст  
вафо қилса, бахт шулдир,  
Тонгга дўнгай тунларинг,  
завққа тўлган — кўнгилдир.

# Бог экар-у, бирор инёх унмагай...

Душмандан ҳам ёмондир  
     ўзингдан чиққан ёвуз,  
 Сир билгунча ағёринг,  
     “сирдош” бошлар тажовуз.  
 Ўздан чиққан балога  
     боролмайсан давога,  
 Кенг дунё ҳам тор бўлур,  
     сигмассан ҳеч маъвога.  
 Уйдан чиққан ўт ёмон,  
     кулни кўкка совургай,  
 Ўзингдан чиққан номард  
     юррак-бағринг қовургай.  
 Толе куларми эрга зид  
     бўлса аёлу фарзанд,  
 Шарпаси йўқ шафқатнинг,  
     меҳрсиз ўсар дилбанд.  
 Туғишганлар мерос деб  
     унутса гар виждонни,  
 Билинг, улар аввало  
     бой беришгай имонни.  
 Назари паст нодонлар  
     оқибатни билмагай,  
 Қадрингни уриб ерга,  
     ҳеч назарга илмагай.

## Ўртанур

Нола қилгай гулга булбул  
     дилда афғон ўртанур,  
 Термулиб дилдор йўлига  
     чашми гирён ўртанур.  
 Бу жаҳон савдоларидан  
     дард чекар ҳар аҳли дил,  
 Қайга боқсанг, нокас шод,  
     яхши инсон ўртанур.  
 Оташи ишқ даҳрида  
     девона бўлган ул кўнгил  
 Наърасидан, не ажаб,  
     тахти Сулаймон ўртанур.  
 Давлатим борида, не тонг,  
     ёру дўстим кўп эди,  
 Энди таъна найзасидан  
     дилда пайкон ўртанур.  
 Бир ёруғ нур изладим  
     зулмат-зимистон ичраким,  
 Бир тўлин ойни тополмай  
     етти осмон ўртанур.

Чархи дун ғавғосидин  
     ғам чекма кўп, Абдулғани,  
 Жон талошур вақтида,  
     билгинки, имон ўртанур.  
Тошкент



## Бобониёз ҚУРБОН

\* \* \*

Тушларингга хоҳ ишонма, хоҳ ишон,  
 Уларнинг барида ажиб сир пинҳон.  
 Гоҳ учдинг осмонда мисоли бир қуш,  
 Гоҳо уммон мавжларига урдинг тўш.  
 Аён-ноаён сир-синоат ичра  
 Умр шаробини этмоқдасан нўш...

\* \* \*

Кўнгил водийида хаёл бир шамол,  
 Поёнсиз кенгликда учар безавол.  
 Олисида ҳилпирар бир ҳарир рўмол,  
 Онам сиймосини эслатар бу ҳол...

\* \* \*

Яратганнинг бир тухфаси ҳусндир,  
 Камолотнинг аломати зеҳндир.  
 Одоб ила фаросатга не етсин,  
 Унга етиш эса аста-секиндин...

\* \* \*

Ибтидо ва интиҳо... Бир кундир ора...  
 Шу бир кунинг асрларга татирми?  
 Оқни оқ де, қорани эса қора,  
 Топганинг не — залолатми, қадрми?..

\* \* \*

Отанг ўргатганин ўғлингга етказ,  
 Онанг меҳри яшнаб унсин қизингда.  
 Яхшиликлар ила юксалади эл,  
 Баравж боғлар гуркирасин изингда...

Сурхондарё



# ШАЙХ ҲОМИДМИРЗО НАМАНГОНИЙ

Милодий йигирманчи асрнинг йирик олимларидан бири шайх Ҳомидмирзо Мирзохон ҳожи ўғли Намангоний 1900 йилда Наманган шаҳрининг Сардоба даҳасидаги Ҳасти Хизр мавзеида туғилди. Отаси Мирзохон ҳожи ўқимишли, парҳезкор, тақволи инсонлардан эди. Шунинг учун тўнғич ўғли Ҳомидмирзога бошланғич таълимни ўзи берди. Маҳалла мактабида илмини чуқурлаштирган Ҳомидмирзо бирмунча вақт Қўқон мадрасаларида таҳсил олди. Уламолар суҳбатида, илм мажлисларида кўп нарсга ўрганди, тафсир, ҳадис, фикҳ илмларини эгаллади. Наманганга қайтиб келгач, Туркистоннинг кўзга кўринган олими ва муфтийи Абул Маъоний Саййид Собитхонтўра даргоҳида илм ва фойз олди. Ҳомидмирзо илмга ташналиги, ҳар бир шаръий масалага синчковлик билан ёндашиши, иқтидори ва қувваи ҳофизасининг кучлилиги билан шогирдларнинг пешқадами бўлди. Устоз Собитхонтўра тиришқоқ ва изланувчан шогирди ҳаққиға тинмай дуо қилар эди.

1917 йилги Октябр тўнтаришидан кейин бутун Туркистон шаҳарлари каби Наманганда ҳам алғов-далғовли кунлар бошланди, фитна-фасод урчиди, маърифатли кишиларга қарши тазйиқ-таъқиб кучайиб кетди.

Советлар тузумининг зулми Ҳомидмирзони ҳам четлаб ўтмади. Кўплаб ватандошлари қатори у 1929 йили ҳижратни ихтиёр этди. Аллоҳнинг иродаси билан бир қанча вақт Афғонистонда истиқомат тутди. Намангандан келиб қолган бир оиланинг Фотимахон исмли қизига уйланди.

Аёлини олиб кўп жойларни кезди, мусофирлик азобларини чекди. Ниҳоят, Ҳиндистоннинг Саҳоранфур шаҳрига бориб қолди. Илмга муҳаббатидан шаҳардаги “Мазохирул улум” мадрасасига ўқишга кирди. Мазкур ўқув даргоҳида у билимини анча чуқурлаштирди. Илм йўлидаги жидду жаҳди, салоҳияти ва бошқа фазилатлари билан тезда та-

лабалар орасида ажралиб кўринди ва ҳадис илми мударриси Мавлоно Шайх Муҳаммад Закариё, мадраса мудирини Шайх Абдуллатиф Соҳиб, мударрислар раиси Мавлоно Абдураҳмон Соҳиб, олим Мавлоно Манзур Аҳмад каби устозларнинг назарига тушди, обрў қозонди.

Ҳижрий 1365 (милодий 1946) йили Ҳомидмирзо оиласи билан Саудия Арабистонининг табаррук Маккаи мукаррама шаҳрига кўчиб борди. Бу ерда ҳам илми, иқтидори, фазилати билан эътиборга тушди. Масжидул Ҳаром кенгайтирилиши муносабати билан уйи масжидга қўшилиб кетди ва у Мадинаи мунавварага кўчиб борди. Муборак Равза ёнида юзлаб илм толибларига фикҳ, тафсир ва ҳадис илмларидан сабоқ берди. Айниқса, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Имом Бухорий”, Муслимнинг “Саҳиҳи Муслим”, Абу Довуднинг “Сунани Абу Довуд”, Имом Можаниннинг “Сунани Ибн Можа”, Бурхонуддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” каби асарларига ҳамда “Мухтасари виқоя” сингари мўътабар китобларга шарҳлари илм аҳли қалбини маърифат нури билан мунаввар қилар эди.

Ҳомидмирзо умрининг охиригача Пайгамбаримиз масжидларида мударрислик қилди. Уч қиз, икки ўғилни тарбиялаб улғайтирди. Уларни илму маърифатга ошно, солиҳ инсонлар қилиб камолга етказди. Тўнғич ўғли Абдураҳмон Мадинаи мунаввара институтларидан бирида мударрис, кичиги Абдулманнон савдо соҳасида.

Узоқ йиллик меҳнат самараси ўлароқ Ҳомидмирзо Ислом оламига бебаҳо илмий мерос қолдириб кетди. Унинг номини илм аҳли ўртасида машҳур қилиб юборган икки жилдли, араб тилида ёзилган “Ал-фатхур раҳмоний фил фатовои Саййид Собит Абул Маъоний” (Саййид Собит Абул Маъоний фатволарида раҳмоний йўлнинг очилиши) асари ҳозиргача ҳанафий фикҳининг нодир манбаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳомид-





мирзо унда улуғ устозининг деярли барча фатволарини жамлаб, уларнинг ҳар бирини фақиҳ ва муҳаддис олим сифатида оят, ҳадисларга таяниб шарҳлаган, изоҳлар берган, айрим масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини баён этган.

“Фатҳур Раҳмоний...” кўплаб олимларнинг эътиборини тортди, бирин-кетин турли мамлакатларда нашр этила бошлади. Дастлаб Покистон ва Миср Араб Республикасида чоп қилинди, сўнгра олим қўним топган ватани Саудия Арабистонида босмадан чиқди. 1976 йилида яна Қоҳирада иккинчи бор нашр этилди. Бундан ташқари олимнинг “Ийқозул муслимийн” (Мусулмонларни уйғотиш) ва бошқа асарлари ҳам илм аҳлининг бебаҳо мулкига айланган.

Олим ҳаётда ниҳоятда камтар, ҳоксор, ўта тақволи, очиқ юзли, ширин сўзли, чуқур мулоҳазали инсон бўлган. Касб-кори билан ўртамеёна ҳаёт кечирган. Шоҳу гадога баробар яхши муомала қилган.

Покистоннинг Карочи шаҳридаги “Араб Ислом” мадрасаси ҳадис илми мударриси Шайх Муҳаммад Идрис бундай хотирлайди: “Мен Шайх Ҳомидмирзо Намангоний жанобларини зиёрат қилиш ва суҳбатларидан завқ олиш шарафига муяссар бўлганман. Рамазон ҳайити куни эрталаб Шайх Орифибиллоҳ Мавлоно Абдулғафур ибн Аббос билан бирга у зотнинг уйларида бордик. Мени олимнинг шахсий кутубхонаси ҳайратга солди. Унда тафсир, ҳадис, фикҳ, калом илм-

ларига доир бебаҳо маънавий хазина йиғилган эди. Мени яна хонанинг бир четида турган тикув машинаси ажаблантирди. Шунда Шайх Абдулғафур устознинг фақат қўл меҳнати билан топилган маблағ ҳисобига яшашларини эслатди. Чунки Шайх Ҳомидмирзо Расулуллоҳнинг (солаллоҳу алайҳи ва саллам) “Ўз қўл меҳнати билан топиб таом емаган киши дунё ва охиратнинг яхши таомидан емаган саналади” (“Мишкот”), деган кўрсатмаларини қаттиқ тутган эканлар. Кейинчалик ҳам бу улуғ олим

билан бир неча бор кўришдик. Сўнги учрашувимиз Маккаи мукаррамада бўлди. Ўша пайтда у зот Маккадаги “Савлатийа” мадрасасида ҳадис илмидан дарс бераётган эканлар. Бунгача иқтидорли шайхнинг барча асарларини ўқиб чиққан эдим. Улар мутолаасидан сўнг Ҳомидмирзода илм тўлиб-тошганининг, асарларидаги ҳар бир масала мўтабар манбаларга суянган ҳолда дақиқ далил-исботлар билан ҳал этилганининг гувоҳи бўлдим. Аллоҳ таоло бу улуғ олимни раҳматига олсин!”

Ватандошимиз, Ислом оламида улуғ олим ва фозил инсон сифатида танилган Шайх Ҳомидмирзо умр бўйи Ватанни соғиниб яшади. Хорижда донғи чиқиб, номи тилларга тушган дамларда ҳам она юртини унутмади. “Намангоний” нисбасини авайлаб сақлади. Ватанда қолиб кетган жигарлари соғинчи билан яшади. Совет тузумининг фитналари туфайли қариндошлари билан алоқа боғлашга бўлган уринишларининг бари самарасиз кетди.

Аммо олимнинг чуқур билими, салоҳияти, катта самара берган эди. У авлодларга қолдирган нодир асарлар бугун майдонда, эгасининг орқасидан савоблар етишига сабаб бўлиб, илм нуруни таратишда давом этипти.

**Аҳмад УБАЙДУЛЛОҲ,**  
тадқиқотчи, Наманган шаҳри

Ҳожи ота шериклари билан наҳор ошидан чиқиб, келган жойларининг бундоқ режасини олса, кампири даволанаётган касалхона жуда яқин экан. Кампири тушмагур кўргани бораман деса, нукул унамайди. «Уялармиш. Тавба, у узатилмаган қиз-у, мен уйланмаган йигитмидим, одамлардан уялиб. Гапини қаранглар».

Отанинг шўхлиги тутди. Мошинадан тушиб қолди.

ди. Э, сўраб-сўраб Маккани топишганида, битта кампиримни тополмайманми? Аллоҳ ўзи меҳрибон...

Файрати кўзиди отанинг. Бундоқ қараса, дарвоза ёнидаги кичкина эшик очиқ экан. Дайди итлар кириб кетганидан билди. Ҳожи ота ҳам ўша эшикдан кириб борди. Қоровул донг қотиб ухлаб ётарди. Уйғотишга кўзи қиймади. Бир одам кўлида кетмон билан гул суғориб юрар-

Ҳожи ота кўп қаватли бинонинг мармар зинали эшигига борганида ичкаридан бир хотин челақ кўтариб чиқиб қолди.

— Ассалому алайкум, қизим, — деди дили ёришиб, — Мен кампиримни қидириб...

Отанинг гапи оғзида қолди.

— Кировринг, айтишади, — деди аёл бепарвогина. Тавба, одамларга бир нарса бўлганми ўзи, на салом бе-

Эркин МАЛИК

## ГУЛ ИШҚИБОЗИ

Воқеий ҳикоя



Тушди-ю, касалхонанинг ҳайбатини кўриб, хато қилганини билди. Кампирини қаттан топади? На бўлимини ва на ётган хонасини билса. Оббо... Ҳали дарвозаси ҳам очилмапти.

Қуёш энди тиф уриб келарди. Хаёлида касалхона фарқ уйқуда ётгандек кўрин-

ди. Ота ўша ёққа қараб юрди. Ҳалиги одам ердан тош олиб, итларни тирқиратди. Кўзи отага тушиб қолди-да:

— Ў, бобой, — деди бақириб, — уйингизда эшик борми, киргандан кейин ёпади-да.

Тавба, ота касалларни уйғотиб юбормай деб ҳассасини ерга юмшоқ босиб келяпти-ю, бунинг шанфиллашини қаранг. На салом бор, на алик.

— Узр, ўғлим, мен итлардан кейин кирдим, бу эшик шундоқ очиқ тураркан деб ўйладим.

— Ётибдими анови шишиб... Қоровулмиш, ҳе, ўргилдим...

— Маъзур тутасиз, ўғлим, катталар бўлими шу ёқдами?

— Ҳа, боровринг.

— Аёллар бўлими қайси томонда?

— Аёл-эркаги йўқ, бари аралаш-қуралаш.

ришади, на саломга алик олишади-я. Айб ўзида, сахармардондан келиб нимамайди, бировнинг дарди эрта кирса, кеч чиқмас.

Шу пайт зинада оёқ товуши эшитилди. Ҳожи ота шу тарафга ўгирилди, бир, икки қадам юрди ҳам. Бир ёш қиз тепадан югуриб тушди-да, отанинг ёнидан “лип” этиб ўтди-кетди. Ота оғзини очганча қолаверди. Нимадир тепада чиқди. Ота таваккал деб тепага кўтарилди. Ўнг тарафдаги эшик очиқ экан. Бўсағадаги латтага олдин пойабзалини, кейин ҳассасини артиб, гилам поядозни бир-бир босиб, тўрга қараб юраверди. Шу пайт ўртароқда оқ халатлик аёл кўринди. У отанинг яқин келишини чидам билан кутиб турди.

— Ассалому алайкум, — деди ота шипшигандек қилиб, — мен кампиримни қидириб келувдим, — деб исми ва фамилиясини айтди.

— Унақа хотин бизда йўқ, бошқа бўлимдан қидиринг, — деди аёл совуққина қилиб. Шу пайт отанинг кўзи гулдонга гул қўяётган бир эркакка тушди. У отага елкаси оша қараб турарди. Сўнгра у илдам юриб келди-да, ҳожи ота билан кутилмаганда қадрдонлардек сўрашди.

— Кўзимга иссиқ кўриняпсиз, мабодо Чинозданмасмисиз?

Ота кулиб, “йўқ” дегандек бош чайқади. Лекин йигитнинг самимий илтифотидан, кимгадир ўхшатганидан хурсанд бўлиб кетди.

— Мабодо Хизрмасмисиз? — дея яна мурожаат қилди йигит, кейин зина томон бошлади. Қучоғида бир даста гул.

Ота йигитга қизиқсиниб, бошдан-оёқ синчиклаб қаради. «Ҳойнаҳой шу ернинг боғбони бўлса керак. Анови шериги гулларни суғоряпти. Буниси касалларнинг баҳри дили очилсин деб гулдонларга гул қўйиб чиқяпти. Тавба, унисининг муомаласи қандоғ-у, бунисиники қандоқ?»

— Хизрмисиз деганимга хайрон бўлманг, — деди йигит табассум билан, — мен ҳар куни уйқудан олдин тушимга Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) кирсинлар, деб, Худойимга ёлбораман, кейин эрта билан яна ёлбораман, бугун Хизр билан кўриштиргин, деб. Хизр бува ҳам одамнинг кўзига эски қадрдонидек иссиқ кўринар экан-да. Чинозданмисиз деб сўраганим, ўзим чинозликман.

Чол овозини баландлатмай кулди.

— Сиз ҳам менга бир зумда ўғлимдек бўп қолдингиз, шу икковимиздан биримиз Хизрмиз-ов?

— Сиз шу ерда ўтириб туринг, мен манови гулларни гулдонларга қўйиш баҳонасида, опоқимнинг қатталикларини билиб келаман, — деди йигит.

Ҳожи ота енгил сўлиш олиб, ўриндиққа ўтирди. Бир беминнат дастёрни рўпара қилиб қўйган Аллоҳга шукрона айтди.

Кўп ўтмай йигит қайтиб келди.

— Қаранг, — деди ўша самимият билан, — опоқим биззи бўлимда эканлар. Навбатчи хотиндан сўраб билдим. Юринг...

Йигит отани эшиги очиб турган бир хонага бошлади.

— Қани, отам, ўтиринг, менга бир дуо беринг, бугун тушдан кейин кетаман, лечениларим тугади, — деди у отани юқорига ўтказиб.

— Ие-э, сиз бу ерда ишламайсизми? Мен сизни...

— Йўқ, мен гул ишқибозиман, — дея устоли устидаги китобга ўхшаган нарсани олиб, отага намоёиш қила бошлади йигит. — Қаранг манови гулларни, бари ҳовлимда ўсади. Булар менинг ўғилқизларим. Булар ҳам гул-да, а ота, — дея қиқирлаб кулди йигит. — Бола гул деганларку. Мен афғон урушида бўлганман. Тирик борсам, фақат гулчилик қиламан, деб ният қилган эдим. Ахир бизда гул яхши кунларга олиб борилади-да, нима дедингиз, ота? У ёқларда гул кўрмадим, бечоралар уришовриб гул экишни ҳам эсларидан чиқариб юборган кўринишади.

Ота албомдаги гулларни кўриб, йигитнинг болалардек беғуборлигидан завқланди, таъсирланди. Кейин уни дуо қилди.

Йигит кўрсатган бошқа бир хонадан кампирини топди. Кампири хонада ёлғиз экан. Баҳаво айвончага чиқиб, суҳбатлашиб ўтиришди. Бир маҳал пастдан гул ишқибозининг овози янгради:

— Ассалому алайкум, отахон, ассалому алайкум, опоқи, қалай маза қиялпсизларми?

Ота, “ҳа” дегандек йигитга қўл силтаб жилмайди.

— Ҳаҳ, ўлсин, томи кетган, — деб кампири юзини тескари бурди. — Эртадан кечгача салом беровриб, мулозамат қиловриб касалларнинг жонига тегиб кетади. Одам деган сал оғир бўлсада...

Ота ичида “қанийди ҳамманиям шунақа томи кетса” деди-ю, кампирини топгунича бўлган саргузаштларини айтиб ўтирмади.







лик “тамаддунлар тўқнашуви” ғоясини тўқиб чиқаришда илк бўлиниш чизигидир.

– **Агар мазкур “анъана”га риюя этадиган бўлсак, масалан, православ юнонлар ҳақида сўз кетганида “теос” атамасини қўллашимиз керак бўларди. Лекин биз бундай қилмаймиз-ку?**

– Албатта, бундай қилмаймиз. Чунки яҳудийлик, насронийлик ва Ислоннинг манбаи бир – Ягона Аллоҳдир. Бу ҳақиқат Куръонда кўп таъкидланган. Ўзингиз ўйланг, бир тилда, масалан, русчада сўзлай туриб, биттаю битта манбани қандай қилиб турлича аташ мумкин?

## ИЛДИЗИ БИР ДАРАХТЛАР

Россиялик олим Юрий Михайлов билан суҳбат

– **Юрий Анатолевич, маълумки, МДХ мамлакатларида динлараро муносабатлар мавзуи долзарблигича қолмоқда. Фарбий Оврупа ҳам кўпдинли минтақага айланиб бораётир. Баъзи “тадқиқотчилар” нима учундир Ислон дини ва мусулмонларни гўё бошқа дин, бошқа маданият вакиллари билан тинч-тотув яшай олмайдигандек қилиб кўрсатишга уринишяпти. Бу ҳолни қандай баҳолайсиз?**

Ислонни башарият тонгида нур сочган Иброҳим (алайҳиссалом) таълимотининг давоми сифатида баҳолаймиз. Бу ҳақиқатни англамаслик ёки уни атай бузиб кўрсатиш сунъий равишда зиддиятлар туғдириши турган гап. Масалан, мутахассис насронийлик ҳақида ёзар экан “Бог”, Ислон ҳақида гап кетганида эса “Аллоҳ” сўзини қўллайди. Бу иши билан у оддий ғарбликлар тасавурида гўё, мазкур динларнинг илоҳи бошқа-бошқадир, деган фикрни уйғотмоқчи бўлади. Арабча “Аллоҳ” сўзи русча “Бог” атамаси маъносини тўла ифода этишини ҳамма ҳам билавермайди, ахир.

– **Биз рус тили ҳақида гаплашяпмиз. Бошқа тилларда бу ҳолга эътибор қандай?**

– Илмий матнлар таржимасида кўпинча “Бог” сўзини учратаман. Аммо Ислонни Оврупа халқларига қотиб қолган (догматик) дин деб тақдим этувчилар барча ғарб тилларига таржималарида “Аллоҳ” сўзини ишлатишга зўр беришади. Фикримча, бундай айирмачи-

– **Балки бу илдизи битта бўлган динларни ўзаро адоватли гуруҳларга ажратишга уринишдир?**

– Аввало, биз тинч-тотув яшаш ҳақида гапирар эканмиз, ҳадеб бир-биримизнинг энг кичик фарқларимиз, эътиборсиз хусусиятларимизга ёки хатоларимизга атай урғу бераверадиган бўлсак, бу ишимиз аста-секин катта зиддиятларга сабаб бўлмайди деб ким кафолат беради?

– **Сиз айтгандек, фарқларимиз кам, кичик бўлса, демак, умумий, уйғун жиҳатларимиз кўп экан-да?**

– Ҳа, шундай. Фарқ ҳар кимнинг ҳаёт тарзида, ўзига хослигида. Лекин ҳозир бу ҳақда гапириш ўринсиз. Чунки турмуш ҳар кимнинг шахсий ишидир. Ижтимоий мақсад ҳақида гапирса бўлади. Бу жиҳатдан Ислон билан насронийлик бир-бирига яқиндир. Ҳар иккала дин ҳам адолатли жамият барпо этишга чақиради. Уларда адолат ғояси ҳам деярли бир хил. Фақат икки дин олимлари бир-бирларининг асарларини кам ўқишади ёки умуман ўқишмайди. Бундай тушунмовчиликнинг илдизи, менимча, дангасалик ёки хоҳиш билдирмасликда бўлса керак. Кўпдинли, айна пайтда ҳар бир аъзосининг тенг- ҳуқуқли бўлишини таъминловчи жамият қурмоқчи эканмиз, ушбу ҳақиқатларга эътибор қилмасдан иложимиз йўқ.

Рустам ОРИФЖОНОВ  
суҳбатлашди.

Ҳорун ЯХЁ

# ХАЛТАЧАЛИ ҲАЙВОНЛАР

Азиз болажонлар! Ҳайратланиб: «Ҳайвонларда ҳам халтача бўладими?» деб ўйлашингиз мумкин. Ҳа, кенгурунинг халтачаси бор. Халтача жуда муҳим иш — кенгурчаларни ўстириш, ҳимоялаш ва боқишда асқотади.

Ҳузурбахш халтачага тушишдан олдин митти кенгуру боласи она қорнида яшайди ва аста-секин катталашади. Бўйи бор-йўғи бир сантиметрга еганида — бу вақтда кенгурчанинг бирорта аъзоси яхши ривожланмаган бўлади — она қорнидан чиқиб тирмашиб халтачага кириб олади.

Халтача ичида уни тайёр ичимлик — қуюқ, ёғли сут кутиб туради. Кенгуруча тўрт елиннинг биридан бу сутни топади. Айнан шу елинда унга мос сут бор. Қолган уч елинда ҳам сут бўлади, аммо унга тўғри келмайди. Чунки улардаги сут чақалоқ ёшидан ўтган акаларига мўлжалланган. Бир неча ҳафта ўтгач, бироз кучга кирган кенгуруча бошқа елинлардан сут эмишга ўтади.

Шу ерда кенгурчаларнинг халтачадаги ҳаёти ҳақидаги ҳикоямизни бироз тўхтатиб турсак. Гап шундаки, бу фаройиб ҳикояни тинглаб, талай саволлар туғилади. Масалан, ушоққина, бўйи атиги бир сантиметр келадиган кенгуруча онасининг тўрт ели-



бошқа елинлардагидан илиқроқ бўлади. Ўйлаб кўрайлик: она кенгуру сутни елинида қандай қилиб иситади? Кенгуруча қандай қилиб ўзига зарур сутни адашмасдан топади?

Кенгуру боласининг хатти-ҳаракати ва она кенгуру танасидаги барча аъзолар Қудратли Яратувчи белгилаган ҳаёт қонунига бўйсунганини тан олсакки, бу саволларга тўғри жавоб беришимиз мумкин. Аллоҳ таоло Ўзи яратган мавжудотларнинг барча эҳтиёжларини билувчи Зот. У ҳар бир жондорга тегишли неъмат, фазилат ва имкониятни тақдим этган. Шу ҳақиқатни тан олсак, осон англаймизки, она кенгуру болаларига зарур сутни ўзи онгли ра-

нидан қайси бирини танлашни қаёқдан билади? Ёки саволни бундай қўйиш ҳам мумкин: қандай қилиб она кенгуру ҳар бир елинини ҳар хил сут билан тўлдиради. Дарвоқе, нафақат сутларнинг таркиби, балки ҳарорати ҳам фарқланади — янги туғилган кенгуруча эмадиган сут

вишда ҳосил қилолмайди, у ҳатто тўрт елинидаги сут турлича экани ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас. Қолаверса, у елинидаги сут ҳароратини ўлчай олмайди-ку. Хулоса шуки, кенгуру ва унинг боласи Яратган Парвардигоримизнинг иродасига мувофиқ яшайди.





Кенгуру боласини олти ярим ой халтачада олиб юради. Бир дақиқа ҳам ташқарига ҳам чикармайди. Фурсат етганидан

сўнггина улғайиб қолган кенгуруча халтачадан тушиб, ерда сакраб ўйнаши мумкин.

Кенгуруча халтадалик пайтидаёқ катталашиб, кучга тўлиб боради. Бу вақтда эса, унинг ёнида ўзи сингари она қорнидан тирмашиб, халтачага кириб олган укачаси пайдо бўлади. Иккаласи халтачада анча вақт ёнма-ён яшашади. Лекин зинҳор бирига бирига зиён етказишмайди.

Кенгуру бизни яна нимаси билан ҳайратлантиради? Бақувват думи билан. Кенгурунинг бўйи бир ярим метрча бўлса, ду-

мининг узунлиги нақ бир метр келади. Бу гаройиб дум худди посангига ўхшаб кенгуруга сакраш чоғи мувозанатни сақлашда ёрдам беради. Кенгуруларнинг орқа оёқлари узун. Шу боис улар саккиз метрча сакрай олади.

Кенгурунинг оёқлари узун ва кучли бўлиши тасодифийми? Ёхуд она кенгурулар кенгашиб узун оёқ бола туғишга қарор қилишганми? Йўқ, албатта. Ақл-идрокли инсон бундай ўйламайди. Булар барчаси марҳаматли Аллоҳ таолонинг иродаси билан амалга ошади.

## БУҒУ ВА УНИНГ ШОХЛАРИ

Азиз болажонлар, сиз буғу шохини ҳеч силаб кўрганмисиз? Йўқ, дейсизми? У ҳолда биллинг, буғунинг шохлари жуда жуда қаттиқ бўлади. Бу шохлар қандай пайдо бўлади, ахир буғу ва кийиклар шохли бўлиб туғилмайди-ку?

Буғуча шохсиз дунёга келади ва бир неча йил ичида эркак буғуларда катта, чиройли шохлар ўсиб чиқади. Шохлар ўсаётган даврида бахмалдай майин юпқа тери билан қопланган бўлади. Бироқ шохлар бутунлай ўсиб бўлгач, юпқа терини озик моддалар билан таъминловчи қон томирлари ёрилиб кетади ва тери қурий бош-

лайди. Қичинишдан қутулиш учун, жониворлар шохларини дарахт ва буталарга ишқалайди. Натижада шохлардаги тери кўчиб тушади ва қаттиқ суяк қолади. Олти яшарлигида буғуларнинг шохини энг катта, энг узун бўлади.

Сўнгра шохлар аста-секин эскира бошлайди. Шохларнинг узунлиги, шакли ва сербүтоқлиги буғуларда ҳар хил бўлади.

Буғулар шохларини бутун умр кўтариб юришмайди. Жуфтлашиш мавсуми ўтгач, эркак буғу эски шохларини ташлайди, уларнинг ўрнида эса дарҳол янгилари ўса бошлайди.

Эҳтимом, «Буғуларга шох нима учун керак?» деб ўйларсиз. Тўғри, ҳар бир аъзо бирор



мақсадга хизмат қилиши зарур! Буғунинг шохлари душманларидан ҳимояланишда қўл келади. Гоҳи буғу катта шохларини намойиш қилса бас, йиртқич ҳадиксираб қочади.

Қизил буғуларнинг эркаклари таклиф қилинмаган «меҳмон»ларни аввало қаттиқ ўкириб, ҳайдашга уринади. Бу фойда бермаса, мустаҳкам шохларини ишга солади. Шунинг учун эркак буғу қўриқлаётган худудда ўтлаб юрган ургочи буғулар чўчишмаса ҳам бўлади.

Раҳматуллоҳ ДОНИЁР  
таржимаси

